# ОКТЯБРГА ШАХСИЙ СОВҒАМИЗ

## Тошкент тепловоз депоси машинисти А. Маракаевнинг ватанпарварлик ташаббуси кенг қанот ёймоқда

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 57 (3539).

21 март СЕШАНБА 1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

*Бекободлик механизатор-пахтакор К. Эгамбердиев, „Қорасув" совхозининг комплекс механизациялашган сабзавотчилик звеноси бошлиғи Ш. Нурматов юбилей йилида шахсий мажбуриятлар олдилар. Тошкент бинокорлари Маракаев ташаббусини қўллаб-қувватламоқда.*

## ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ РЕЖАЛАРИМИЗ

СОВЕТ кишилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш ниятиёқида меҳнат қилаётган бир пайтда биз ўтган йил давомида босиб ўтган ўз изларимизга бир бор назар ташламоқдамиз. Янги Тошкент қуриш ниятида Ўзбекистон пойтахтига келганимизга ҳадемай бир йил бўлади. Табиий офат юз берган даҳшатли дамдан бери Тошкентда ғоятда катта ишлар амалга оширилди. Қардош бинокорлар қўли билан яратилган кўркам квартираларда ҳозир минглаб тошкентликлар яйраб истиқомат қилмоқдалар. Янгидан кўкка бўй чўзган гўзал иморатлар орасида ленинградлик қурувчилар қурган бинолар ҳам бор.

Биз ишни Чилонзор массивида бошлаган эдик. Ленинградликлар бирйўла олтита объектда қурилиш ишларини олиб бордилар. Уларнинг тўртласи турар-жой, қолганлари мактаб ҳамда болалар боғчасидан иборат эди. Йил бошида дастлабки юз квартирали бинони фойдаланишга топширдик. Ўшанда қурилиш майдонимизда катта байрам бўлди. Кўчиб келган тошкентликлар қурган квартираларимиз учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Шундай пайтда бинокор касбининг соҳиби бўлганингдан беҳад хурсанд бўласан киши. Чунки бинокор ҳар бир оила учун бахт ҳадя этади. У одамларни уйжой билан таъминлайди.

Шу кеча-кундузда навбатдаги турар-жойлар ҳам тўла бўйдан чиқаяпти. Яна юзлаб оилалар эрта-индин бизга қурган уйларга кўчиб кириб ҳовли тўйларни ўтказишади. Айни пайтда болалар боғчаси қурилиши ҳам ниҳоясига етиб қолган. Август ойига бориб эса, мактаб фойдаланишга топширилади. Янгидан бунёд этилган Ленинград кварталида яшаётган тошкентликларнинг ўғил-қизлари янги ўқув йилини мана шу мактабда бошлашади.

Юбилей йилида зиммамизга яна бир улкан вазифа юкланди. Усмон Юсупов кўчаси бўйига тушадиган 13-«Ц» кварталини яратиш мажбуриятини олдик. Ҳозир ленинградликлар икки участкага бўлинишган. Уларнинг биринчи группаси Чилонзордаги қурилиш ишларини ниҳоясига етказаётган бўлса, иккинчи группа 13-«Ц» кварталини бунёд этиш билан банд.

Усмон Юсупов кўчасидан ҳозир Жарариқ кўчаси томонидаги кенгликка бир назар ташласангиз ўнлаб минора кранларининг бетўхтов ишлаб турганини кўрасиз. Қоришма, ғишт, йирик темир-бетон блоклар ортган юк машиналари бу томонга бетиним келиб турибди. Ҳозир қурилиш майдонида 400 бинокор ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда ленинградликлар ўз ҳамшаҳарлари қўли билан чизилган лойиҳа асосида 40 минг квадрат метр турар-жой, маданий-маиший бинолар бунёд этишмоқчи. Бу 15 та қўшқаватли турар-жой, 2 та магазин, ошхона, болалар боғчаси деган гап. Биз билан ёнма-ён москвалик ва украиналик бинокорлар ҳам қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Уларнинг зиммасига ҳам катта вазифа юкланган. Жами бу ерда 80 дач ортиқ тўрт қаватли ғиштин уйлар ва икки қаватли коттежлар қурилиши керак.

Лойиҳачиларимиз тақдим этган лойиҳа бизга жуда ҳам маъқул тушди. Улар лойиҳа тузишда Тошкент иқлимини тўла ҳисобга олишган. Квартираларнинг хоналари одатдаги бино хоналарига нисбатан анча кенгроқ. Ошхонадаги жиҳозлар учун ҳам етарлича ўрин қолдирилган. Айвонлар ҳам кенг ва баҳаво бўлади.

Лойиҳа асосида янги массивда ишлаётган бинокорларимиз қисқа муддат ичида кўзга кўринарли ишларни амалга ошириб қўйишди. Ҳозир 5, 6, 10, ва 11-корпуслар ғишти терилмоқда. Бу ерда Евгений Шавловский, Федор Михайлов, Валентин Ципкин ўртоқлар бошлиқ комплекс бригада аъзолари ажойиб ғайрат ва шижоат кўрсатишмоқда. Улар ўтган йили Чилонзордаги турар-жойлар қурилишида ҳам ном чиқаришган эди. Мана бугун янги турар-жой микрорайони қурилишини ҳам жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар.

Мен шу ўринда Владимир Иванов, Павел Веселов каби ғишт терувчилар, Геннадий Сидоров, Анатолий Орлов каби монтажчилар номини ҳам ҳурмат билан тилга олмоқчиман. Улар бизнинг машъалларимиз. Ленинградда қад кўтарган кўркам иморатларда шу моҳир бинокорларимизнинг қўл излари бор. Улар Тошкент қурилишларида ҳам ўзларининг бор тажриба ва билимларини ишга солмоқдалар. Кунлик нормаларини 1,5 ҳиссадан ошириб адо этмоқдалар.

Тошкент тепловоз депоси машинисти А. Маракаевнинг ватанпарварлик ташаббусини ленинградлик бинокорлар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Қурилиш участкамизнинг ҳар бир бинокори Ватанимиз юбилейига шахсий совға - билан боришга аҳд қилиб, ҳозир шу орзу, шу ниятда меҳнат қилмоқда.

Яқинда биз юбилей йилида бажариладиган ишларимизни бир чамалаб кўрдик. Қурилиш объектларини муддатидан олдин фойдаланишга топшириш имкониятлари бор экан. Масалан, ҳозир ғишти терилаётган 10 ва 11-корпуслар май ойининг охирларига бориб тўла қўлдан чиқади. Июнь ойининг бошларида эса 6-корпус фойдаланишга топширилади. Шундай қилиб, юбилейгача ҳозирги кунда пойдеворига бетон қуйилаётган турар-жойлар ҳам тошкентликлар ихтиёрига берилади.

Кўринib турибдки, ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар кўп. Бу мажбуриятни тўла адо этиш учун бор имкониятлардан тағин ҳам унумлироқ фойдаланиш, кам вақт сарф қилиб кўпроқ ишни амалга ошириш талаб этилади.

**В. КИРКАЧ,**
«Главленинградстрой» қурилиш участкасининг бошлиғи.

## ЭКОНОМИКАМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Мамлакатимиз экономикасининг барча тармоқлари тўхтовсиз юксалмоқда. Айниқса, халқ хўжалигининг етакчи тармоғи, она-Ватанимиз куч-қудратининг асоси бўлган саноатимиз мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланмоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш давлат планлари муваффақиятли адо этиляпти. Бутун мамлакатимиздаги қатори областимиз индустрияси ҳам йилдан-йилга ривожланяпти. Саноатчиларимиз беш йилликнинг тўнғич йили топшириғини муваффақиятли адо этишди. Бир йил ичида саноат маҳсулоти тайёрлаш ҳажми 8 процент ортди. Шу йилнинг икки ойлик плани ҳам ошириб бажарилди.

Янги беш йиллик план саноатчиларимиз олдига жуда улкан ва масъулиятли, айни вақтда шарафли вазифалар қўяди. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун корхоналарда мавжуд резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни муттасил такомиллаштириш, айниқса иқтисодий иш савиясини янги талаблар даражасига кўтариш талаб этилади. Коллектив ишини аниқ ва пухта белгиланган режалар, ҳисоб-китоблар асосида ташкил этиш лозим. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил сентябрида бўлиб ўтган тарихий Пленуми қарорларида худди шу масалалар олдинга сурилган, уларни қандай амалга ошириш йўл-йўриқлари аниқ кўрсатиб берилган.

Партиямиз Марказий Комитетининг бу Пленуми белгилаган иқтисодий ислоҳат-саноат ишлаб чиқаришини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий қилган барча корхоналар коллективларининг иш натижаси бу усулнинг афзалликлари битмас-туганмас эканлигини яққол кўрсатди. Янгича ишлаётган корхоналар фаолиятининг барча техника-иқтисодий кўрсаткичлари кескин ошди. Улар давлат планларини муваффақиятли бажармоқдалар, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, жамғарма тўплаш борасида кўпгина ютуқларга эришяптилар.

Тошкент автомобиль машинасозлиги заводи, «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси, Бекободдаги 16, Ғазалкентдаги 125-автобазалар Тошкентдаги 3-автокомбинат коллективлари планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий қилиб кўп нарса ютдилар. 125-автобаза саккиз ойдан бери янгича ишлаяпти. Шу вақт ичида юк ташиш анча кўпайди, автомашина паркидан фойдаланиш коэффициенти 4 процент, ҳар бир автотонна қувват ҳисобига юк ташиш куни анча ортди. Коллектив даромади пландагига қараганда ўнларча минг сўм кўпайди. Фақатгина ўтган йилнинг иккинчи ярмида пландан ташқари кўрилган фойда 38,8 минг сўмни ташкил этди. Бу корхонани ривожлантириш, уй-жой ва социал ишлар, моддий рағбатлантириш фондларига анчагина қўшимча маблағ ажратиш имконини берди.

Буларнинг ҳаммаси планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий этиш юзасидан тузилган жуда катта режанинг дебочасидир, холос. Бу соҳада ҳали жуда кўп иш қилиш назарда тутилади: ҳозирги вақтда областимизнинг ўнлаб корхоналари, автомобиль хўжаликларида иқтисодий ислоҳатни жорий қилишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Янгича ишлаётган корхоналарнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, янгича ишлашга қаерда пухта тайёргарлик кўрилса, ўша ерда иқтисодий ислоҳат қўлланилган дастлабки кунлардан иш яхши юришиб кетади. Бу жойлардаги партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органларидан иқтисодий ислоҳатни жорий қилишга тайёргарлик ишларининг пухта ва аниқ ўтказилишига эришишни, коллективлар ўртасида янгича ишлашнинг афзалликлари, қандай самара беришини муттасил тушунтириб боришни, тарбиявий ишларни кучайтиришни талаб этади.

Ҳозир янгича ишлашга тараддуд қилаётган кўпгина саноат корхоналари ва автомобиль хўжаликлари бу соҳада дурустгина ишлар қилишяпти. Уларнинг аксариятида иқтисодий иш анча жонланиб кетди. Махсус иқтисод бўлимлари ташкил этилди. Иқтисодчиларнинг ишлаб чиқаришдаги роли оширилмоқда, ҳар бир масала уларнинг актив иштироки билан ҳал қилинмоқда. Иқтисодий ўқув тобора такомиллашаяпти. Унга жалб қилинган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга иқтисодий билимлар бериш, саноат экономикасини ўргатиш ҳар бир корхона ва автомобиль хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлаб олиб борилаяпти. Корхоналарда иқтисодий кенгашлар тузилмоқда ва уларнинг иши жонлантириб юборилмоқда. Хўжалик ҳисоби тобора кенг жорий қилиняпти. Областимиздаги бир қанча корхоналар, жумладан Ўзбекистон трактор-йиғув, Тошкент тўқимачилик, Чирчиқ электрохимия, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатлари, «Чирчиксельмаш» заводи, Оҳангарондаги кўмир разрези, 9-шахтада планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий қилишга тараддуд кўрилмоқда.

Лекин айрим корхоналарда иқтисодий ислоҳатга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек бўлмаяпти, бу муҳим кампанияга зарур даражада эътибор берилмаяпти. Масалан, Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж бирлашмаси, бадиий буюмлар фабрикаси, енгил ва озиқ-овқат саноатининг янгича ишлашга ўтиши белгиланган қатор завод-фабрикаларида тайёргарлик жуда суст бормоқда, иқтисодий иш давр талаблари даражасида эмас, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга олиб келадиган резервларни қидириб топиш ва бошқа иқтисодий масалалар билан изчил шуғулланилмаяпти.

Барча саноат корхоналари, автомобиль хўжаликларида иқтисодий ишни ҳар томонлама жонлантириб юбориш шу куннинг муҳим вазифасидир. Асосий ва оборот маблағларидан фойдаланишнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш керак. Асосий фондларнинг актив қисми бўлган асбоб-ускуналардан фойдаланишдаги жиддий нуқсонларга тезроқ хотима бериш лозим. Чунки, у ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Республика иқтисодчиларининг бугун Тошкентда очилаётган кенгаши планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини амалга ошириш масалаларини атрофлича муҳокама қилади, хўжалик ислоҳотини жорий қилган корхоналар коллективларининг дастлабки тажрибаларини умумлаштиради ва шу асосда ислоҳатни республикада ўтказишнинг конкрет йўлларини белгилайди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан ўтказилаётган бу кенгаш республикамиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеадир. Вазифа — бу кенгаш қарорлари, материалари ва тавсияларини ҳар бир коллектив ўртасида кенг пропаганда қилиш, иқтисодий ислоҳатни амалга оширишга тайёргарлик ишларини шу асосда олиб боришдан иборат.

Уткир Ризаев Тошкент абразив буюмлари комбинатининг илғор токарларидан. У ёш бўлса ҳам ўз касбини ишдан ишгачча пухта билиб олган. Уткир ҳозир коммунистик меҳнат зарбдори. Суратда: У. Ризаевни кўриб турибсиз.

А. Палехов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Ўзбекистон ССР Конституциясининг 38-моддасига биноан қарор қилади:

Еттинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг биринчи сессияси 1967 йил 13 апрелда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига қуйидаги масалалар қўйилсин:

1. Ўзбекистон ССР Олий Советининг мандат комиссиясини сайлаш.
2. Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларини сайлаш.
3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш.
4. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумини сайлаш.
5. Ўзбекистон ССР Ҳукумати—Министрлар Советини тузиш.
6. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори ва бу қарорни амалга ошириш соҳасидаги вазифалар.
7. Республика аҳолисининг соғлигини сақлаш ишларини кучайтириш чоралари тўғрисида.
8. Ўзбекистон ССР аҳолисига коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва бу хизматни янада яхшилаш чоралари тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 20 март.
Тошкент шаҳри.

## ЕРНИ ЭКИШГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАШ КЕРАК

ОБЛАСТИМИЗ пахтакорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш учун ўз зиммаларига ҳарқачонгидан ҳам катта мажбуриятлар олишган. Пахтадан баракали хирмон кўтариш ёз ва куз фаслларида қилинадиган ишлар билан бир қаторда эрта баҳорда ерни чигит экишга пухта тайёрлашга ҳам кўп жиддий эътибор берилиб, бу ишга ҳаракатлар ҳам ниҳоятда кучлидир. Ер ҳайдаш, ўғитлаш, ишлов бериш, ўсимликларни ҳимоя қилиш ишлари ҳам ниҳоятда ҳаракатчан, ҳамма ишлар ҳаракатчан, ҳамма ишлар ҳаракатчан, ҳамма ишлар

# РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

«Узбекуголь» комбинатининг корхоналари шу йилнинг иккинчи ярмида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтади. Ҳозирги вақтда бу янги иқтисодий ислоҳотни жорий қилишга тайёргарлик юзасидан ишлар авж олдириб юборилди. Комбинат ҳузурида иқтисодий кенгаш ишлаб турибди. Унинг еттита тармоқ комиссияси бор. Бу комиссиялар корхоналарнинг сўнгги беш йил давомидаги молия-хўжалик фаолиятини ўрганиш билан шуғулланмоқдалар. Иқтисодий кенгашлар барча кўмир қазиб чиқарувчи корхоналарда ҳам ташкил этилган.

Бу кенгашлар фаолиятининг дастлабки якунлари шундан далолат бермоқдаки, «Узбекуголь» комбинати корхоналари планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлаш учун барча имкониятларга эга. Аксарият корхоналарда иқтисодий иш даражаси анча юксак. Уларнинг ўтган хўжалик йилидаги иш якунлари шундан далолат бериб турибди.

Беш йилликнинг биринчи йилида комбинат корхоналари ўзларининг иқтисодий аҳволларини мустаҳкамлаш йўлида яна бир катта одим ташладилар. **Йиллик пландагидан ташқари 125,7 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Қўшимча 340 минг сўмлик фойда олинди. Бунга асосан маҳсулотни реализация қилиш ҳамда қазиб чиқарилаётган кўмир таннархини анча камайтириш ҳисобига эришилди. Масалан, 9-шахтада ҳар бир тонна кўмир таннархи 6 сўм 10 тийин бўлиши керак эди, амалда у 6 сўм 4 тийинни ташкил этди. Кўмир разрезида эса 4 сўм 4 тийин ўрнига 3 сўм 89 тийиндан тушди.**

Ўрта Осиёнинг йирик кўмир саноати корхонаси ҳисобланган разрез ҳар йили кўплаб фойда келтирмоқда. 9-шахта ҳам уч йилдан буён рентабелли ишлаяпти. Ўтган йили корхона маҳсулотни реализация қилишдан қўшимча 42 минг сўмлик фойда олди.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш асосан капитал маблағлар ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланишга боғлиқ. Лекин комбинат корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Масалан, кўмир разрезини олиб кўрайлик. Разрез коллективи ишини анализ қилиб кўрилганда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш коэффициенти пасайиб кетаётганлиги аниқланди. Ҳар бир сўмлик асосий фондларнинг самара бериш даражаси ҳисобига маҳсулот олиш 1964 йилда 79 тийинни, 1965 йилда 81, 1966 йилда эса 76 тийинни ташкил этган.

Агар кўмирни очиқ усулда қазиб чиқариш ва ташиш билан шуғулланаётган уч корхона — кўмир, кон устини очиш разрезлари ҳамда юк ортиш-транспорт бошқармасини бирга қўшиб, уларда асосий фондларнинг аҳволини анализ қилиб кўрсак қуйидагилар маълум бўлади: 1964 йилда ҳар бир сўмлик асосий фондларнинг самараси 54,8 тийин, 1965 йилда 55,6, 1966 йилда эса 49 тийин бўлган.

Бунинг асосий сабаблари нималардан иборат? Аввало, шуни айтиш керакки, асосий фондлар 1964 йилдагига қараганда 4 миллион 434 минг сўмлик кўпайган. Кўмир қазиб чиқариш плани эса 3,6 процент камайган. Асосий фондлар структурасида унинг пассив қисми 70 процентини, актив қисми эса фақатгина 30 процентини ташкил этган.

Кўмир, кон устини очиш разрезлари ва юк ортиш транспорт бошқармаси мавжуд асосий фондлардан тўғри фойдаланишга эришсалар, зарур ҳажмдаги кон устини очиш ишларини бажара олган ва ўтган йилиёқ 3 миллион 214 минг тонна ўрнига 4,5 миллион тонна кўмир қазиб чиқарган бўлур эдилар. Бунинг учун разрезларда ва юк ортиш-транспорт бошқармаларида зарур миқдорда техника, электровозлар парки, замонавий қудратли конвейерлар, саралаш қурилмаси ҳамда йўл қурилиши ишларини амалга ошириш учун зарур воситалар етарли эди. Бу учала корхонада ўз ишини пухта биладиган кадрлар ҳам бор, лозим даражада тажриба ҳам тўпланган.

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ АРАФАСИДА

Аммо бу корхоналарда мавжуд техника ва кон асбоб-ускуналари унумдорлигини ошириш имкониятлари тўла фойдаланилмаяпти. Асбоб-ускуналар кўпинча бекор туриб қолмоқда. Масалан, кўмир разрезида «қора олтин» қазиб чиқаришда фойдаланилаётган экскаваторларнинг бекор туриши 1964 йилда календар вақтининг 22,8, 1965 йилда 22,1, 1966 йилда эса 28,9 процентини ташкил этган. Бу вақтнинг деярли ярми бўш вагонларни кутиш билан ўтган. Қолган қисми эса экскаваторлар ва транспортёрларнинг бузилиб қолиши натижасида фойдасиз кетган.

Бўш вагонларни етказиб бериш бир неча йилдан бери тартибга солинмаяпти. Бу ҳақда жуда кўп гап-сўзлар ҳам бўлиб ўтди. Лекин аҳвол яхшиланмаяпти. Тошкент темир йўл бўлинмаси раҳбарлари қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмаяптилар. Бўш вагонларни етказиб бериш юзасидан тузилган графикларга камдан-кам амал қилинади. Бунинг устига планлаштиришдаги қатор камчиликлар ҳам кўмирчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатяпти. Оҳангарон кўмирига бўлган эҳтиёжнинг аниқ планлаштирилмаганлиги оқибатида ўтган йили кўмир разрези ва 9-шахта омборларида 265 минг тоннадан кўпроқ ёқилғи йиғилиб қолди.

Кўмир корхоналарининг иқтисодий аҳволини яхшилаш асосан Оҳангарон кўмирини қазиб чиқариш ва сотишни тўғри планлаштиришга боғлиқ. «Узбекуголь» комбинати республика Госплани олдига кўмир корхоналари билан истеъмолчилар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиб беришни қўйиб, жуда тўғри иш қилди. Шундай қилинганда Оҳангарон кўмирини ишлатувчи барча йирик корхона ва ташкилотлар комбинат билан бевосита шартнома тузган бўлур эдилар. Бу шартномада етказиб берилаётган кўмир миқдори, сифати ва муддати келишиб олинади. Икки томоннинг масъулияти ошади.

Жуда кўп хўжаликлар — колхозлар, совхозлар, кооператив ташкилотлари кўмир саноати корхоналарига тез-тез мурожаат қилиб, ёқилғи сотишни, уни ўз транспортларида ташиб олмоқчи эканликларини айтишади. Мавжуд тартибга асосан корхона бундай йўл билан кўмир сотиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай аҳвол Оҳангаронга яқин жойлашган хўжаликларни ёқилғи билан таъминлашни яхшилаш имконини бермаяпти, айни вақтда кўмир қазиб чиқарувчи корхоналар ресурсларидан тўлароқ фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу оқибат натижада корхоналар экономикасининг юксалишига тўсқинлик қиляпти. Шунинг учун ҳам «Узбекуголь» комбинатининг корхона раҳбарларига кўмирга фонди бўлмаган майда ташкилотларга пландан ташқари қазиб чиқарилган кўмирни сотиш ҳуқуқини бериш лозим.

Беш йилликнинг иккинчи йилида Оҳангарон кўмир ҳавзаси республика саноат корхоналари ва меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари учун 4 миллион 300 минг тонна ёқилғи етказиб бериши керак. Маҳсулотни реализация қилишдан «Узбекуголь» комбинати бу йил 6 миллион 348 минг сўмлик фойда олишни назарда тутмоқда.

Республикамиз кочегаркаси кончилари бу планни бажаришнинг уддасидан тўла чиқа оладилар. Лекин кўмир қазиб чиқарувчи корхоналар иқтисодий ишининг даражасини кескин ошириш учун қатор мураккаб ва муҳим тадбирлар амалга оширилиши даркор.

Экскаватор паркининг фойдасиз туриб қолишини кескин камайтириш муҳим вазифадир. Ҳисоблар шуни кўрсатдики, машиналарнинг бекор туриб қолишини лоақал бир процент камайтириш билан кўмир разрезида бир йилда кон устини очиш ишлари ҳажмини 177 минг кубометр кўпайтириш, кон устини очиш разрезида эса қўшимча 144 минг кубометр тупроқ-шағал ишларини бажариш, ўнларча минг тонна кўмир қазиб чиқариш мумкин.

Кўмирни очиқ усулда қазиб чиқаришни яхшилаш борасида анча ишлар қилиниши лозим. Юқори комплекс қатламларидан ёқилғи олишни кўпайтириш учун селектив усулни, шунингдек сув билан саралаш методини қўллаш керак. Ҳозирги вақтда ана шу қатламлардаги ёқилғининг кўп қисми тупроқ-шағалга аралаштириб, ташлаб юборилмоқда. Шундан фақатгина ўтган йили 450 минг тоннага яқин ёқилғи йўқотилди. Кўмир разрези коллективи юқори комплекс қатламлардаги кўмирни иложи борича кўпроқ ажратиб олиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширяпти. Жумладан, қатламнинг қалинлиги 0,5 метр бўлган кўмирни селектив усулда қазиб олиш масаласи ўрганиляпти.

9-шахтада жорий қилинган «Тула» маркали механизациялашган тозалаш комплекси кончилар меҳнатини кескин енгиллаштириш билан бирга юксак иқтисодий самара беряпти. Кўмир таннархи деярли икки баравар камайди. Кончиларнинг меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар ошди. Бу участка ўтган йили 100 минг сўмга яқин фойда олди. Шахтанинг бошқа бирор участкаси ҳам бундай кўрсаткичга эриша олмади. Беш йиллик давомида шахтанинг барча лавалари тўла механизациялашади.

Кўмир саноати корхоналари коллективлари иқтисодий иш даражасини оширишни ўзларининг асосий вазифалари деб қарамоқдалар. Шунинг учун ҳам меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тобора кенг жорий қилинмоқда. Бир меъёрда кўмир қазиб чиқаришга алоҳида эътибор берилияпти. Кўмир разрезининг биринчи участкаси янги йилдан бошлаб хўжалик ҳисоби асосида ишлашга ўтди. 9-шахтанинг барча участкаларида комплекс хўжалик ҳисоби жорий қилинаётир. Ишлаб чиқариш маданияти ошириляпти. Кончиларнинг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар кўрилмоқда.

Шу кунларда кончилар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Барча кўмир корхоналари коллективлари юбилей вахтасида туриб ишлашяпти. Уларнинг социалистик мажбуриятларида корхоналар иқтисодий фаолияти даражасини ҳар томонлама оширишга алоҳида эътибор берилган. Бу планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш янги системасини жорий қилиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

**А. ҲАКИМОВ,**
**Оҳангарон шаҳар партия комитети иқтисодий анализ бюросининг раиси.**

# ҲАМКОРЛИК

**Институт олимларининг амалий ёрдами ижобий самаралар бера бошлади. Район хўжаликларида маслаҳатли иш чиқиб қолса, мутахассислар олимларга бемалол мурожаат қилишаверади. Олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилар коллективи ҳам улардан қўлларидан келган ёрдамларини сира аяшмайди.**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти Бекобод районидаги бир қатор колхоз ва совхозларни ўз оталиғига олганига бир йилча вақт ўтди. Шу қисқа давр мобайнида олимлар билан хўжаликлар мутахассислари ўртасида мустаҳкам ижодий алоқа боғланди. Айниқса, райондаги 1-«Далварзин» совхози коллективи институт оталиқ ёрдамидан беҳад хурсанд.**

**Дарҳақиқат, институт совхозга ҳар томонлама кўмаклашиб келмоқда. Олимлар бу хўжаликда тез-тез бўлиб туришади. Тупроқ шўрини йўқотиш, ер тузиш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Институт олимлари бу масалалар бўйича хўжалик мутахассислари билан бир неча бор суҳбатлар ўтказдилар. Бундан ташқари тематик консультациялар ҳам бериб борилмоқда. Олий ўқув юрти студентларининг ишлаб чиқариш практикалари ана шу хўжаликда ўтказилмоқда.**

**Совхоз ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида ҳам институт томонидан анчагина ишлар қилинди. Шундай бўлса ҳам хўжалик ерларида ҳали кўпгина мелиоратив тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бу масала билан ирригатор олимлар яқиндан шуғулландилар. Бу вазифани ҳал этиш мақсадида совхозда ишлаб чиқариш-иқтисодий конференция ўтказишга қарор қилинди. Таклиф совхоз дирекциясига жуда маъқул тушди. Ташаббус район партия комитети томонидан маъқулланди.**

**Конференцияга совхоз мутахассислари ҳам, институт олимлари ҳам пухта тайёргарлик кўрдилар. Совхоз мутахассислари хўжалик экономикаси бўйича докладлар тайёрладилар. Институт олимлари эса кафедра ва лабораторияларда олиб борилган илмий-кузатиш ишлари якунларини умумлаштирдилар. Сув оқимини бошқариш кафедраси илмий ходимлари эса атоқли олим Т. Колпакова раҳбарлигида совхозда олиб борган кузатиш ишлари асосида илмий докладлар ҳозирлашди.**

**Ана шу тадбирни амалга ошириш мақсадида яқинда институт олимлари совхозга чиқиб бордилар. Конференция ишида совхоз ишчилари, тракторчилар, звено бошлиқлари, бригадирлар ва экономистлар ҳам актив қатнашдилар. Шу билан бирга қўшни хў-**

### ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

**жаликлардан ҳам мутахассислар таклиф этилди.**

**Конференция қатнашчилари «Суғориш ишларини сифатли ташкил этиш — ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омили» деган темадаги докладни катта қизиқиш билан тингладилар. Совхоз директори ўртоқ М. Чолаков бу докладда хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ кўпгина муҳим масалаларни илгари сурди. Ирригатор олимлар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижалари хусусида ҳам батафсил тўхталди.**

**Олий ўқув юрти машина-трактор парки эксплуатацияси кафедраси мудири доцент М. Луценко комплекс механизациянинг аҳамияти ҳақида гапириб, совхозда механизацияни қўллаш натижасида тўпланган бой тажрибалар ҳақида конкрет мисоллар келтирди.**

**Гидромелиоратив системалари эксплуатацияси кафедрасининг мудири, Давлат мукофотининг лауреати А. Ляпин ҳамда «Средазгипроводхоз» лойиҳалаш институтининг бош инженери И. Антонов ўртоқлар тупроқ шўрини ювишда вертикаль дренаж усулининг аҳамияти тўғрисида доклад қилдилар.**

**Шунингдек конференцияда совхознинг бош агрономи А. Қодиров ва институтнинг доценти И. Баранов ўртоқлар суғориладиган ерлардан рационал фойдаланиш йўллари тўғрисида гапирдилар. Совхознинг звено бошлиғи С. Ҳайдаровнинг нарядсиз звенолар иш тажрибалари ҳақидаги доклади ҳам катта қизиқиш уйғотди.**

**Институт олимлари ўз докладлари вақтида турли таблица ва карталардан кенг фойдаландилар.**

**Конференция қатнашчилари хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан қарор қабул қилдилар. Қарорга мувофиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ва «Узгипроводхлопок» лойиҳалаш институти мелиорация соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширадилар. Совхозда тупроқ шўрини ювиш мақсадида вертикаль дренажлар қазилади. Бу ишлар «Узгипроводхлопок» лойиҳалаш институти коллективи томонидан амалга оширилади.**

**Институт олимлари яқин орада совхозда ирригация масалалари бўйича яна алоҳида йиғилиш ўтказишга сўз бердилар.**

**А. АЛИЕВ.**

**ТОШКЕНТ пайпоқ-трикотаж бирлашмаси коллективи қўлидан чиқаётган буюмлар юксак талаблар даражасидадир. Бу ерда унумли меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратиб берилган. Асосий операциялар механизмлар елкасига юклатилган. Бирлашма ишчилари фақатгина машиналар ҳаракати устидан назорат ўрнатиб турадилар. Ушбу суратда сиз тўқув агрегатини бошқараётган ёш ишчи Гулнора Усмонованн кўриб турибсиз. Ўртоқ Г. Усмонова қисқа вақт ичида тўқувчилик касбини пухта эгаллаб олди. Ҳозир у смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб келмоқда.**

**И. Глауберзон ва В. Сироткин** фотоси.

# ЖАНГОВАР ШОН-ШУҲРАТ ҚАСРИ

Москванинг кўркам жойида, Коммуна майдонида улкан ҳашаматли бир бино бор. У СССР Қуролли кучлари марказий музейининг янги даргоҳи. Музейга кираверишда зиналарнинг бир томонида учи осмонга қаратилган ракета, иккинчи томонида эса ҳартуми юқори кўтарилган танк турипти. Улар мамлакатимиз армиясининг ҳозирги замон куч-қудратини, жанговар техникасини ўзига хос символик тарзда акс эттириб турипти.

Музейга кираверишда кишининг кўз олдида улуғ доҳиймиз В. И. Лениннинг оқ мармардан ишланган бюсти намоён бўлади. Унинг икки ёнида ишчилар, деҳқонлар, олимлар ва жангчиларнинг рангли фигуралари кўзга ташланади.

Музей заллари шавкатли қуролли кучларимиз тарихининг шонли саҳифаларини ёдга келтиради. Янги музейнинг экспонатлари ярим миллиондан ошади. Ундаги ноёб катта тарихий аҳамиятга эга бўлган экспозициялар, қимматли ҳужжатлар қаҳрамон халқимиз шон-шуҳратининг чинакам нодир хазинаси ҳисобланади. Музей биноси тўрт қаватли бўлиб, умумий майдони 9 минг квадрат метрдир. Музей биноси атрофига, унинг ҳовлисига жанговор ҳарбий техника намуналари қўйилган. Улар орасида граждланлар ва Улуғ Ватан уруши жангларида қатнашган броненосец, ўндан ортиқ турли хил танклар, самолётлар, артиллерия тўплари ҳам бор. Ҳарбий-денгиз флотининг жанговар техникаси намуналари эса музей ёнидаги алоҳида майдонга жойлаштирилган. Музейнинг янги биносида томошага келган кишилар учун 300 ўринлик кинолекторий бор. Бинода виставка зали, кутубхона, байроқлар, қуроллар ва бошқа ҳарбий техникалар учун алоҳида хоналар ажратилган. Тарихий ҳужжатлар, фотосуратлар ва бошқа буюмлар ҳам махсус хоналарда сақланади.

Музейнинг экспонатлар қўйилган йигирмабеш залини айланган киши жуда бой таассуротлар олади. Айрим залларидаги экспонатлар билан мукаммалроқ танишамиз: 1918 йил. Қаҳратон қиш палласи—февраль ойи. Псков ва Нарва ёнида ишчи-деҳқон армиямиз чет эл босқинчиларини тор-мор келтиради. Ана шу тарихий ғалаба ёш совет давлатининг армияси туғилган кун бўлиб қолди. Совет халқи шавкатли армияси билан бирга душманнинг темир қуршовини парчалаб ташлади, оқ гвардиячилар ва чет эл босқинчилари устидан тарихий ғалаба қозониб, тинч қурилиш йўлига ўтиб олди. Ўшандан бери мамлакатимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлаш йўлида қилинган ва қилинаётган ишлар, армия, флот ва авиация қуролларининг ҳамма янги турлари билан еттинчи залда танишамиз.

Улуғ Ватан уруши бошланган 1941 йилнинг июнь ойини халқимиз асло унутмайди. Музейда Брест қалъаси деворининг бир парча синиғи, найза билан деворга ёзилган хат сақланмоқда: «Мен ҳалок бўламан, лекин таслим бўлмайман. Хайр Ватан. 20. VII-41». Гитлерчиларнинг СССРга қарши уруш бошлаш ҳақидаги «Барбаросс» планининг бир нусхаси кўзга ташланади. Фашистлар бу машъум планни катта иштаҳа билан тузган. Планда босқинчи газандаларнинг СССРга қарши «яшин тезлигида»ги уруш ҳаракатлари кунма-кун кўрсатилган. Уруш ҳаракатларини акс эттирган, фронтга, жанг майдонига кетаётган Қизил Армия қисмлари ва халқ кўнгиллиларини кўрсатувчи фото ҳужжатлар ҳам диққатга сазовордир.

Музейнинг тўққизта зали Улуғ Ватан урушининг муҳим даврлари ва жангларига бағишланган. Бу заллардаги экспонатларни кўздан кечирар экансиз, халқимизнинг оммавий қаҳрамонлиги, чидам ва матонатига таҳсинлар ўқийсиз.

Совет кишиларининг жанг майдонларида кўрсатган чексиз қаҳрамонликларини ҳикоя қилувчи ҳужжатлар кишини ниҳоятда ҳаяжонлантиради. 1941 йил Октябрь байрамида Қизил майдонда бўлиб ўтган ҳарбий параднинг улкан фотосурати Ватан ҳимоясига бир жон бир тан бўлиб отланган халқ шижоатининг гимнидек улуғворлик касб этиб турипти. Армия қисмлари В. И. Ленин мавзолейи ёнидан ўтиб, тўғри фронтга йўл олмоқдалар.

Музейда Сталинград ҳимоячиларининг қаҳрамонлиги хотирасига снаряд парчалари ва ўқлар билан қоришган, баҳодир жангчиларимиз қони билан бўялган Мамаев тепалигидан келтирилган Сталинград тупроғи қўйилган. Танкчи С. С. Маркининг жангдаги жасоратини тасвирловчи сурат ҳам ғоят таъсирли. Душман тўпидан шикастланган танк бронясида Маркин шундай ёзув қолдиради: «Мен ҳалок бўламан, лекин менинг Ватаним, партиям ғалаба қозонади...»

Музейда ўзбек элининг фарзандлари жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида ҳам анчагина ҳужжатлар бор.

Уруш йилларида «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган жанговар шиор халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетганди. Бу жонажон Коммунистик партиямиз, она Ватанимиз чақириғи эди. Совет кишилари шу жанговар шиорни қалбларига жо қилиб, фронт орқасида разил душман устидан тўла ғалаба қозонилгунча кунни тунга улаб, мардонавор меҳнат қилдилар. Музейдаги кўпгина ҳужжат ва экспонатлар шундан далолат беради. Экспонатлар орасида Владимир Ильич номли завод станоги кўзга ташланади. Бу корхона коллективи уруш йилларида фронт учун зарур қуролларни бир неча баробар ортиғи билан тайёрлаб берган ва партиямиз Марказий Комитетининг фахрий байроғини 28 марта олишга муяссар бўлган.

Музей залларида халқ қасоскорлари — совет партизанларининг қаҳрамонлигини тасвирловчи ҳужжатлар ҳам тўпланган. Улар Минскда иш кўрган яширин партизанлар ташкилоти, Краснодон ёш гвардиячилари, Эстония, Литва ва Латвия ватанпарварлари, Кавказ рейди партизанлари, Витебск ва Орша йўлларидаги партизанлар жасоратидан ҳикоя қилади. 1944 йилда Совет қўшинлари душманни таъқиб этиб бориб, уни Ватанимизнинг муқаддас чегараларидан қувиб чиқарадилар. Музейда «Жангчи Александр Афанасьевич Третьяк. Шарқий Пруссиядаги Давлат чегараси. 1944 йил 17 август», деган сўзлар ёзилган қизил байроқча турипти. Бу байроқча совет жангчисининг ғалаба йўлидан дарак берувчи маяк сифатида ўша вақтда чегарада ҳилпираб турган. Ҳозир эса у тарихий ғалаба ёдгори бўлиб музейда сақланмоқда.

Музейда Ғалаба зали кенг ўрин эгаллаган. Бу ерда Улуғ Ватан урушининг сўнгги жангларида катта жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган қўшинларимизнинг орденлар тақилган жанговар байроқларини кўрамиз.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасорати чиндан ҳам беқиёсдир. Музей залларидаги ҳар бир ҳужжат, ҳар бир экспонат бунинг абадий гувоҳидир.

**Адҳам РАҲМАТ,**
**Н. ЭГАМНАЗАРОВ.**
**Москва шаҳри.**

# РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

## ҚАЙДА ПИНҲОН ПОЧТАЧИ?

Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли кўчанинг 8-участкаси почтальони сўнгги ойларда аҳолига жуда ёмон хизмат қилмоқда. У, 4 хил номдаги газета ва 3 журналга обуна бўлган 105-а рақамли хонадонга ўн кунлик газета ва журнални тўплаб, ҳафтада бир марта ёппасига ташлаб кетади. 97, 99, 101, 103 ва 105-хонадонларга ҳам хат ва газеталар жуда кечикиб келтирилади ёки бутунлай келтирилмайди.

Бу ҳақда 19-почта бўлимининг бошлиғи ўртоқ Азамат Шоевга мурожаат қилдик, афсуски ҳамон ўзгариш йўқ.

**Ф. РАСУЛОВ,**
**И. ОХУНОВ,**
**И. ҲОШИМОВ,**
**Собир Раҳимов кўчасида яшовчилар.**

## ЧОЙХОНАМИ — МАЙХОНАМИ?

Аҳолининг илтимоси билан Оҳангарон шаҳрининг марказий посёлкасида шинамгина қизил чойхона очиб берилган эди. Тўғри, бундан посёлка аҳолиси ғоят хурсанд бўлди. Посёлка кексаларини айтмайсизми? Қип-қизил гилам тўшалган бу чойхонага келиб, бир-бирлари билан қизғин суҳбат қуришар, чақ-чақлашар эдилар. Ёшлар эса, бир пиёла чой баҳона шахмат-шашка суришар, газета ўқишар, хуллас маданий дам олиб қайтишар эди. Минг афсуски, бу қувонч, ҳордиқ олишлар узоққа чўзилмади. Нима бўлди-ю, чойхонага тўшалган гиламчалар йиғиштириб олинди. Қизил бурчак бир кундаёқ тугатилди. Чойхонага қўйилган радиоприёмник, 2 та катта самовар омборга жўнатилди.

Хўш, энди чойхона нима бўлди, деб сўрарсиз. «Чой» сўзи ёнига «ная» сўзи қўшилиб, спиртли ичимликлар сотадиган жойга айлантирилди. Ташвишли ери шундаки, бу ерга «чекилмасин» деб ёзиб қўйилган-у, лекин спиртли ичимликлар ичиб, бир-бирини ҳақорат қилаётган кишилар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бир вақтлари кишилар келиб дам олиб қайтадиган чойхона ҳозир ана шундай бекорчилар, ичкиликка муккаси билан кетган кишиларнинг қароргоҳи бўлиб қолди.

«Чайная»нинг атрофига кўз ташлаб бўлмайди. Ҳаммаёқ ифлос, илгари кишининг акси кўринадиган ҳовузнинг тиниқ суви шундай ифлосланиб кетганки, ҳидига туриб бўлмайди.

Биз бу кўнгилсиз воқеани Оҳангарон умумий овқатланиш савдо бўлимининг бошлиғи ўртоқ Л. М. Ковалёвага айтганимизда у: «ифлос бўлса ҳеч қиси йўқ, бизга чойхона эмас, план керак» деган жавобни берди. Таажжуб, туппа-тузук шинам, аҳоли дам оладиган қизил чойхонани майхонага айлантириб қўйган ҳам ана шу раҳбарларнинг ўзи экан. Наҳотки, кишиларга чинакам маданий хизмат кўрсатишдан кўра, план афзал турса? Шаҳар ижроия комитети раҳбарлари бунга нима дейишаркин?

Посёлка аҳолиси номидан:

**М. НОРМАТОВ, Н. БУХОРОВ.**

## ДОҒ ҚАЧОН ЮВИЛАДИ?

Пойтахт шаҳримиз жамоли йил сайин эмас, ҳозир кун сайин кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Афсуски, шаҳримиздаги баъзи ташкилотлар пала-партиш ишлари билан ана шу ҳусинга доғ тушириб қўйишяпти. Узоққа бормайлик, бундан уч йил муқаддам шаҳримизнинг қоқ ўртасидаги Глинка кўчасидан канализация, газ, водопровод қувурлари ўтказилган эди. Шундан кейин зовурлар кўз кўриш учун чала-чулпа кўмилиб, текислаб қўйилди. Лекин кўчани илгариги ҳолатига келтириб, асфальт ётқизиб бериш ҳеч кимнинг эсига келмаяпти.

Шу боисдан ҳам бу кўчага бир марта кирган киши иккинчи марта қадам босмасам, дейди. Чунки ёзда чанги, қишда лойи билан йўловчилар таъбини хира қилиб келяпти. Илгари онда-сонда ўтиб қоладиган транспорт аксига юриб ёғин-сочинли кунларда тез-тез ўтадиган бўлиб қолди. Бу йўловчиларнинг нормал қатновига ҳалақит бермоқда. Шу атрофдаги Краснодон, Курская кўчаларида ҳам аҳвол шундай.

Кечалари бошқа кўчалардаги чироқ ёруғида йўқолган игнани ҳам топиш мумкин, лекин бу кўчаларда ёнма-ён кетаётган дўстингни аранг таниб оласан. Чунки бундан уч йил муқаддам столбалар ўрнатилган бўлса ҳам, чироқлар ёлчитиб ёнгани йўқ. Бир кун ёнса, уч кун дам олади.

Хўш, район йўл қурилиши ва электр тармоқлари раҳбарлари ишидаги бу доғлар қачон ювилади?

**О. ХОНАЗАРОВ.**

## ЁНДИ-Ю, ЎЧДИ

Маълумки, Октябрь массивида ҳозир минглаб оила яшамоқда. Зилзиладан илгари радио ва телевизорсиз ҳаётини тасаввур этиб бўлмайдиган бу оилалар, массивда ҳам шундай маданий ҳаёт кечиришни исташади.

Бир-икки ой муқаддам электр чироғи тушириш мақсадида массивга столбалар ўрнатилди. Афсуски, массивнинг 10—16-кварталида ҳамон чироқ ёнгани йўқ. Шу сабабли бу массивда яшовчи аҳолига радио ёки телевизор кўриш насиб бўлмаяпти.

Биз Октябрь район раҳбарларидан массивимизни Ильич нури билан таъминлашни сўраймиз.

**Ф. ИЛЕСОВ,**
**студент.**

ЦОЙ Раиса ўн йилдан бери Тўйтепа район маиший хизмат кўрсатиш комбинатида тикувчи бўлиб ишлаб келаяпти. Ўтган йиллар ичида унинг қўлидан озмунча буюм чиққани йўқ. Ҳозир ҳам Раиса ғайрат билан меҳнат қилмоқда. У эндиликда эркаклар кўйлагини тикишга ихтисослашган. Суратда: қўли гул чевар Цой Раиса иш устида.

**О. Цой** фотоси.

# Л. Б. ШАСТРИ ХОТИРАСИГА

Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмида узоқ Ҳиндистон тарафига қараб йўналган кўча тобора яшнаб бормоқда. Кўчанинг икки томонидаги кўп қаватли чиройли уйлар ва соя-салқин хиёбонлар ҳинд халқининг атоқли фарзанди Лаъл Баҳодир Шастри хотирасини абадийлаштиради.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан Шастри номли кўчада Ҳиндистоннинг марҳум бош министри шарафига ёдгорлик қўйилади. Ёдгорлик лойиҳасини яратиш учун ўтказилган Бутуниттифоқ очиқ конкурсига совет архитекторлари билан биргаликда чет эллик мутахассислар ҳам қатнашдилар. Бу конкурс комиссияси адресига 13 та лойиҳа келди. Эндиликда ижодий мусобақа натижалари маълум бўлиб қолди.

Конкурс комиссияси «Рамаяна», «Тошкент», «1333» белгилари билан берилган учта лойиҳани энг яхши деб топди. Комиссия аъзолари конвертларни очиб, ғолибларнинг номларини эълон қилдилар. Уларнинг ҳаммаси тошкентлик ёш меъмор ва ҳайкалтарошлар бўлиб чиқди.

Яхши деб топилган лойиҳаларнинг ҳар бирида ўз хислати, бошқалардан фарқ қиладиган хусусияти бўлсада, кўп жиҳатдан бир-бирларига ўхшаб кетади. «Рамаяна» авторлари — ҳайкалтарошлар Я. И. Шапиро, Л. Г. Рябцев ва архитектор Н. Зоидов тақдим этган ёдгорликда Шастри икки кафтини жипслаштириб, дўстона таъзим қилиб турибди. Бошқа икки лойиҳа замирида ҳам ана шу ғоя бор. Бу лойиҳаларнинг биринчисини архитектор С. Эшонхўжаев, Г. Е. Годлин, ҳайкалтарошлардан А. А. Раҳматуллаев ва А. Бойматовлар, иккинчисини архитекторлардан Р. М. Валиев, А. А. Валиева ва Л. А. Тошматовалар яратганлар.

Конкурс шартларига мувофиқ, «Рамаяна» авторларига Л. Б. Шастри ёдгорлиги лойиҳасини янада ишлаб чиқиш топширилган. Ёдгорлик Л. Б. Шастри номидаги кўчада ўрнатилади. Жюрининг фикрига кўра, Тошкент декларациясига бағишланган архитектура композицияси марказий майдонни безаши мумкин. «Тошкент» лойиҳасининг авторлари шу композицияни ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар. (ЎзТАГ).

# СОВЕТЛАР ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

## *Тошкент область Советининг 1 сессиясидан*

Илгари газетамизда хабар қилинганидек, меҳнаткашлар депутатлари XI чақириқ Тошкент область Советининг I сессияси бўлиб ўтди. Сессия мандат комиссиясини сайлади ҳамда комиссия раиси депутат **С. О. Аҳмедов**нинг докладини тинглади.

Сессия меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетини тузди. Депутат **Э. Т. Шайхов** меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди. Область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб депутат **Г. Г. Светленко**, раис ўринбосарлари қилиб депутатлар **А. И. Бродова, Қ. А. Аҳмедов, И. Х. Ҳидоятов** сайландилар. Депутат **М. Эгамбердиев** область ижроия комитетининг секретари қилиб сайланди. Депутатлар **М. А. Абдураззоқов, Р. Ғ. Ғафуров, И. А. Ли, И. Р. Раҳматов, К. Т. Тошпўлатова, М. Ш. Шералиев, Я. К. Элчибеков** область ижроия комитетининг аъзолари қилиб сайландилар.

Меҳнаткашлар депутатлари область Советининг 16 та доимий комиссияси — бюджет-молия, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ирригация ва мелиорация, саноат, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, маданий-оқартув, физкультура ишлари, табиат ва фойдали қазилмаларни муҳофаза қилиш, социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш бўйича комиссиялар ва уларнинг раислари сайланди.

Сессия меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг бўлим мудирлари ва бошқармаларнинг бошлиқларини тасдиқлади. **Р. Ғ. Ғафуров** план комиссиясининг раиси, **Б. У. Тошбеков** соғлиқни сақлаш, **И. П. Пирсоев** халқ маорифи, **К. Т. Тошпўлатова** социал таъминот, **Х. В. Абдуллаев** қурилиш ва архитектура ишлари, **Я. К. Элчибеков** молия, **С. Ё. Зокиров** ташкилий-инструкторлик бўлимларининг мудирлари қилиб тасдиқландилар. **Х. Т. Турдиев** автомобиль транспорти ва тош йўллар, **Г. В. Дубровский** аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаларининг, **Ю. Г. Фиржонов** капитал қурилиш бўлимининг, **М. М. Мирхўжаев** коммунал хўжалик, **И. М. Пидаев** маданият, **С. Ш. Муталов** маҳаллий саноат, **И. А. Полвонов** суғориш системалари, **М. Ш. Шералиев** жамоат тартибини сақлаш, **Қ. Қ. Узоқов** матбуот, **Б. И. Воронюк** алоқа, **И. А. Ли** қишлоқ хўжалиги, **Ж. Р. Ризаев** статистика, **О. У. Юсупова** савдо бошқармаларининг бошлиқлари, **И. Р. Раҳматов** область халқ контроли комитетининг раиси қилиб тасдиқландилар.

Сессия КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилди. Бу ҳақда область ижроия комитетининг раиси **Э. Т. Шайхов**нинг доклади тингланди.

Докладчи таъкидлаб ўтдики, коммунистик қурилишнинг ҳозирги даврида Советларнинг тутган ўрни жуда катта ва фаолиятининг кўлами беқиёсдир. Чунки Советлар ўз характери билан чинакам халқчил, оммавий ҳокимият органи ҳисобланади.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь, ноябрь (1964 йил), март (1965 йил) Пленумларидан кейин Совет органларининг раҳбарлик роли кучайтирилди, халқ хўжалигининг барча соҳаларида Советларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Партия XXIII съезди социалистик демократияни, мамлакат ҳаётига раҳбарлик қилишда халқ иштирокининг ҳамма формаларини янада ривожлантириш йўлларини белгилаб берди. Съезд Советлар экономика проблемалари билан конкрет ва чуқурроқ шуғулланишлари, халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг шу йил 8 мартда қабул қилган «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва поселка Советлари ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори партиямизнинг маҳаллий Советлар, бу ўринда қишлоқ ва поселка Советларининг иқтисодий, сиёсий ва социал-маданий қурилишдаги ролини ошириш ҳақида кўрсатаётган ғамхўрлигининг янги ифодаси бўлди.

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари маҳаллий Советлар системасининг энг оммавий звеноси ҳисобланади. Чунки қишлоқ ва посёлка Советлари бевосита меҳнаткашлар орасида иш олиб борадилар ва ҳар куни улар билан бирга бўлиб, турли масалаларни ҳал этадилар.

Тошкент области территориясида 99 қишлоқ ва посёлка Советлари ишлаб турибди. Уларга 6891 депутат сайланган. Қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари ҳамда доимий комиссияларининг составида халқ сайлаб қўйган 4851 вакил актив иш олиб бормоқда.

Областдаги қишлоқ ва поселка Советлари хизмат қилаётган территорияда бир миллионга яқин киши яшайди, 118 колхоз, 48 совхоз, бир неча ўнлаб корхоналар, ташкилотлар, касалхоналар, маданий-оқартув ва социал-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари бор.

КПСС Марказий Комитети қарорида таъкидлаб ўтилганидек, кўпчилик қишлоқ ва посёлка Советлари ўз территорияларида давлат ҳокимиятини муваффақиятли амалга оширмоқдалар, аҳолининг турли эҳтиёжларини қондириш ҳамда халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни ҳал этмоқдаар. Бундай посёлка ва қишлоқ Советлари Тошкент областида ҳам оз эмас.

Юқори Чирчиқ районидаги Арганча қишлоқ Совети катта ва мазмунли иш олиб бормоқда. Ана шу қишлоқ Советига ўртоқ Жибек Елибоева раислик қилаётир. У ўзини ҳалол ходим, моҳир ташкилотчи сифатида кўрсатди, аҳоли ўртасида катта обрў ва ҳурмат қозонди. Қишлоқ Советининг сессиялари депутатларнинг тўла иштироки ва ғоят активлиги билан мунтазам ўтиб турибди. Бу сессияларда маданият ва турмуш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳаётий масалалари муҳокама қилинмоқда.

Қишлоқ Совети территориясида яшовчи аҳолининг маданий турмуш шароитини яхшилаш йўлида сўнгги икки йил ичида катта ишлар қилинди. 1966 йилда ўзаро ихтиёрий солиқ йўли билан 12 та синфхона, 2 та медицина пункти, 25 ўринли туғруқхона, дорихона, 2 та ҳаммом, 2 та магазин қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳозир қишлоқ Совети территориясида 850 ўринли клуб қурилмоқда, водопровод ётқизилянти, колхозчиларнинг хонадонлари газлаштирилмоқда. Қишлоқдаги аҳоли яшайдиган барча пунктлар тўла электрлаштирилган. Ана шу ишларнинг барчасида қишлоқ Советининг хизмати катта.

Янгийўл районидаги Иброҳим Раимжонов раислик қилаётган Олмазор посёлка Совети ва Бўкадаги Мария Петровна Мазуркевич раҳбар бўлган Кўқорол қишлоқ Совети ҳам ана шундай кўпқирралари ва мазмунли иш олиб бормоқда.

Бироқ, КПСС Марказий Комитетининг қарорида жуда тўғри кўрсатиб ўтилганидек, кўпчилик қишлоқ ва посёлка Советларининг иш даражаси ҳали турмуш талабларидан орқада қолмоқда, қишлоқ ва посёлка Советлари ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланаётганлари йўқ, колхозлар, совхозлар, корхоналар ва муассасаларнинг ишига етарли таъсир кўрсатмаётир. Кўпчилик қишлоқ ва посёлка Советлари мактаблар, касалхоналар, болалар боғча ва ясли-лари, магазинлар, клублар ва аҳолига хизмат кўрсатадиган бошқа ташкилотлар иши билан камдан-кам қизиқадилар.

Айниқса қишлоқ ва посёлка Советларининг ташкилий ва оммавий ишларида катта камчиликлар бор. Бу иш хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал қилишга боғлаб олиб борилмаяпти. Советларнинг сессиялари, ижроия комитетларининг мажлисларига қишлоқ, посёлка ҳаётига оид етилган масалалар камдан-кам муҳокамага қўйилмоқда. Қарорлар ижросини текшириш яхши йўлга қўйилмаган. Доимий комиссиялар етарли даражада активлик кўрсатмаётирлар.

Кўпчилик қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари совет ишларига хўжалик ва ташкилий-сиёсий ишларда маълум тажриба орттирган ҳолда келганлар. Улар аҳоли орасида ҳурмат ва обрў билан иш олиб бормоқдалар. Лекин шуни унутмаслик керакки, жамиятимиз давлат аппарати ходимига жуда юксак, кун сайин ўсиб бораётган талаблар қўймоқда. Давлат аппарати ходими кўп нарса қила олиши, кўп нарса билиши, ташкилотчилик санъати, ишчанлик, кишиларнинг куч ва ташаббусини йўлга солабиладиган сифатларга эга бўлиши зарур. Айрим жойларда ана шу талаб асосида иш олиб борилмаяпти. Юқори Чирчиқдаги Бордонкўл қишлоқ Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари лавозимига депутат бўлмаган қандайдир Д. Расулов деган шахс тайинланган. Аввал у Ийнк сельпосида ишлаган, ишни барбод қилгани, растратага йўл қўйгани учун ишдан ҳайдалган эди. Ўрта Чирчиқ районида ҳам шундай нуқсонларга йўл қўйилган.

СССР Министрлар Совети 1967 йил 8 мартда меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг раислари, раис ўринбосарлари ва секретарларининг маошини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Иш ҳақининг оширилганлиги қишлоқ ва посёлка Советларига тайёргарлиги пухта ва тажрибали кадрларни кўтариш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиради.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида айтиб ўтилганидек, меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ўз территорияларида давлат ҳокимиятининг юқори органидирлар, қишлоқ ва посёлка Советларининг ўз компетентциялари чегарасида қабул қилган қарор ва кўрсатмалари шу территорияда бўлган барча лавозимдаги шахслар, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан бажарилиши шарт.

Қишлоқ ва посёлка Советларининг ишида колхозлар фаолиятида демократия принципларига риоя қилиш, ер фондларидан тўғри фойдаланиш, социалистик қонунчилик, жамоат тартибини сақлаш ва гражданларнинг ҳуқуқларига риоя қилишни контроль этиб бориш катта ўрин тутмоғи лозим.

Депутатлар давлат ва жамоатчилик асосларини бирлаштирувчи кучдир. Депутатлар коммунистик қурилишнинг турли участкаларига раҳбарликда қанчалик актив иштирок этсалар, барча иқтисодий ва социал процесларга раҳбарликда Советларнинг роли шунчалик ортиб боради.

Қишлоқ ва посёлка Советлари фаолиятининг ижобий бўлишини таъминлашда ижроия органлари—ижроия комитетлар состави, унинг аъзолари ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши катта роль ўйнайди. Шундай бўлганда ҳар бир аъзонинг ўз вазифасини бажаришдаги масъулияти, ижроия комитет фаолияти учун жавобгарлиги ортади.

Пировардида докладчи 12 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети, область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларига бўлиб ўтган сайловлар якуларига тўхталади, юбилей йилида областимиз меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида гапиради.

Музокараларда биринчи бўлиб Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари, депутат **И. Ладушкин** сўз олади.

— Илгари хўжалик масалаларини ҳал этишда маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари бирмунча чеклаб қўйилган эди, — дейди нотиқ. — Кейнинги йилларда бу камчилик йўқотилди, Советларнинг роли кучайтирилиб, тўғри иш қилинди. Район партия комитети ўз фаолиятида қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларига таянib иш кўрмоқда. Муҳим хўжалик вазифаларини ҳал этишга бағишланган йиғилишларга қишлоқ Советларининг раислари ҳам таклиф қилинмоқда.

Нотиқ текинхўрлар, безорилар, жамият ишидан бўйин товлайдиган шахсларга қарши курашда қишлоқ Советларининг ролини ошириш зарурлигини уқтиради. Яқинда Паркент қишлоқ Советининг ташкилий сессияси бўлиб ўтди, дейди у. Унда депутатлар болалар ва ўсмирлар тарбияси билан қишлоқ Советлари ҳам жиддий шуғулланишлари зарурлигини айтдилар. Район партия комитети Марказий Комитет қароридан кейин қишлоқ ва посёлка Советларига ёрдамни кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгилаб чиқди.

Ўртоқ Ладушкин область ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимини район ижроия комитетлари, қишлоқ ва посёлка Советлари фаолиятини ўрганиш ва уларга ишни яхшилашда яхши ёрдам кўрсатмаётганлиги учун танқид қилади.

— Районимиз меҳнаткашлари ва совет органлари ходимлари,— деди Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси депутат **А. Назаров**, — партия Марказий Комитетининг бу муҳим қарорини катта қониқиш билан кутиб олдилар. Қарор райондаги 13 қишлоқ ва посёлка Советининг ҳаммасида муҳокама қилинди ва ишлаб чиқилди.

Нотиқ қишлоқ Советларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга доир фикрларни ўртага ташлайди. Жумладан қурилиш, квартира тақсимлаш, ободонлаштириш масалаларини ҳал этишда қишлоқ ва посёлка Советларининг ҳам ҳуқуқлари бўлиши керак деб ҳисоблайди. Район Советларида бўлгани сингари қишлоқ Советларида ҳам маъмурий комиссиялар тузилса, меҳнаткашларнинг ҳат ва шикоятларини тезроқ ҳал қилиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини бирмунча мукаммалроқ ўрганиш имкони туғилади.

Советлар иши — жонли иш, ташаббускорликни ва ижодий изланишни талаб қилади. Шу сабабли кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш муҳим аҳамият касб этади. Совет органлари кадрлари ўқувини область миқёсида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Доклад юзасидан музокараларда Янгийўл районидаги Олмазор посёлка Советининг раиси депутат **И. Раимжонов** ва Бекободдаги «Победа» колхозининг раиси депутат **Э. Хатамов** ҳам қатнашдилар. Ўзбекистон КП область комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** нутқ сўзлади.

Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Г. Г. Светленко** XI чақириқ область Совети депутатларига сайловчилардан тушган наказларни бажариш тадбирлари ҳақида ахборот берди. Сессия муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

# ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

**ЛЕНИНГРАД.** «Россиянинг барча гражданларига» манифест, «Петроград Советининг Ахборотн», турли чақириқлар, мурожаатлар ва 1917 йилнинг бошқа революцион тарихий ҳужжатлари Киров проспектидан ўтиб бораётган ленинградликларнинг диққатини ўзига тортади. Марказий магистралнинг Петроград томонида шаҳарнинг бундан 50 йил қадимги манзарасини ифодаловчи деталлардан бири бунёд этилди. Тез орада ҳозирги Ленинград қиёфаси зарварағига яна бир қанча революцион Петроград ҳақидаги лавҳалар битилади. Суратда: «Петроград» метро станцияси ёнида ўрнатилган афиша тумбаси.

Ю. Белинский фотоси, ТАСС фотохроникаси.

**ТУРКМАНИСТОН ССР.** Копетдоғ тоғ этакларида республика пахтакорлари чигит экишни бошлаб юбордилар. Бахарден районидаги Калинин номли колхозда бу йил пахта майдонларини 110 гектарга кенгайтириш мўлжалланган Ҳозир бу хўжаликда қўклам экиш компанияси қизғин бораяпти. Суратда: хўжаликнинг пахта далаларида.

К. Назаров фотоси, ТАСС фотохроникаси.

# ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МОСКВАДАГИ ЭЛЧИХОНАСИГА СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

18 мартда СССР Ташқи ишлар министрлигида Хитой Халқ Республикасининг муваққат ишлар вакилига қуйидаги баёнот айтилди:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонасига қуйидагиларни айтишни зарур деб ҳисоблайди.

Чет эл дипломатик вакиллиги ўзи турган мамлакатдаги амалда бўлган қонунлар ва қоидаларга риоя қилиши лозимлиги, ички ишларга аралашмаслиги ва шу мамлакат билан ўзаро муносабатларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг ҳаммасидан ўзини тийиши лозимлиги халқаро муносабатларда ҳамма қабул қилган қоидадир.

Бироқ, жуда кўп фактлар шуни кўрсатиб турибдики, Хитой Халқ Республикасининг элчихонаси бутун дунёда амалда бўлган қоидалар ва нормаларни қўпол равишда назар-писанд қилмай, чет эл дипломатик вакиллигининг статусига мутлако тўғри келмайдиган ҳаракатларга йўл қўймоқда. Қасддан қилинаётган бу ҳаракатларни Совет давлатига душманлик ҳаракатларидан бошқа бир нарса деб ҳисоблаб бўлмайди.

Қизил майдонда В. И. Ленин Мавзолейи олдида шу йил 25 январда элчихона томонидан уюштирилган ва ҳаммани ғазаблантирадиган иғвогарлик Совет-Хитой муносабатларини кескинлаштирмоқ ва Хитой Халқ Республикасида Советларга қарши жазавани авж олдирмоқ учун навбатдаги баҳона топиш максадида олдиндан режаси тузиб қилинган иғвогарлик эканлигига ҳеч кимда шак шубҳа қолмади. Шу иғвогарликдан сўнг рўй берган воқеалар бу хунук ниятларни жуда равшан қилиб исботлаб берди.

Москвада турган хитой гражданлари орасида Совет Иттифоқига нисбатан душманликни авж олдириш мақсадида элчихона шу йил 1 февралда ўз территориясида студентларнинг ва бошқа хитой гражданларининг Советларга қарши митингини ва намойишини ўтказди. Элчихона бу хунук иш қатнашчиларини элчихона территориясига туташган кўчалардан кўриб ва эшитиб туриш имкониятини тутдириш чорасини кўрди.

3 февралда элчихона Совет Иттифоқи шаънига туҳмат ва бўҳтонлардан иборат сўқма материаллар атайин осиб қўйилган фотовитрина олдида ўз ходимларини совет кишилари билан тўқнаштириб жанжал чиқарди.

9 февралда хитой дипломатлари Москвадан жўнаб кетаётган хитой студентларини Ярославль вокзали олдидаги майдонда совет кишилари билан тўқнаштириб тартибсизликлар чиқаришга уриндилар.

Мана шу ва бошқа иғвогарликлардан элчихона Совет Иттифоқида хитой гражданларига нисбатан «мислсиз ваҳшийликлар» қилинмоқда ва уларни «қонли калтаклаш» уюштирилмоқда, деган ҳар хил бемаъни уйдирмаларни тўқиб чиқариш учун фойдаланмоқда.

СССР Ташқи ишлар министрлигининг неча марталаб огоҳлантиргинлигига қарамай, элчихона Советларга қарши мазмун билан тўлдирилган ва Пекинда нашр этилаётган адабиётларни — «Пекин ревю», «Китай», «Китай на стройке» журналларини, шунингдек элчихонанинг Совет Иттифоқи шаънига, унинг халқи ва ҳукумати шаънига қутириб қилинаётган туҳматдан иборат материалларини тарқатишга аввалгидек Уринib келмоқда.

Элчихона Советларга қарши пропаганда юритмоқ ва Совет Иттифоқига душманликдан иборат адабиётларни тарқатмоқ учун расмий қабул маросимларидан, учрашувлар ва матбуот конференцияларидан фойдаланмоқда. 1966 йил 23 октябрда чет эл студентлари учун қабул маросимини, шу йил январь ва февраль ойларида чет эл мухбирлари учун кинокўрниклар ва матбуот конференцияларини элчихона шундай мақсадларда уюштирди. Ҳар safар мана шу тадбирлар ўтказилаётган вақтда элчихонанинг дипломатик ходимлари Советларга қарши нутқлар сўзлаш, Совет Иттифоқига, КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига қарши кураш олиб боришга чақириш билан шуғулландилар. Совет Иттифоқига қарши туҳматлардан ва душманлик билан қилинган уйдирмалардан иборат адабиётларни мана шу учрашувларда чет эл студентлари ва мухбирлари, дипломатик ходимлар қўлига тутқиза бердилар. 27 январда ўтказилган кўрикка чақирилган таклифномалар билан бирга фильмларнинг мазмуни ёзилган варақаларда ҳам элчихона мана шундай бўҳтон ва туҳматлар ёзган эди.

Элчихона СССРда доимий истиқомат қилиб турган хитой гражданларини Советларга қарши фаолиятга тортмоқда, улар орасида совет халқига қарши душманликни авж олдиришга қаратилган иш олиб бормоқда.

Ўзаро дипломатик муносабатларда бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларда мисли йўқ ҳаракатлар қилишни, яъни совет расмий вакиллари билан нормал амалий учрашувлардан бўйин товлашни Хитой Республикасининг элчихонаси одат қилиб олганлигини ҳам Ташқи ишлар министрлиги кўрсатмасдан ўта олмайди. Элчихона ходимлари кейинги ойларда совет муассасаларига, шу жумладан СССР Ташқи ишлар министрлигига айтиб қўйилган вақтда бир марта ҳам келганлари йўқ. Бунинг учун «овқат қилиш билан банд бўлдик, овқатдан кейин дам олиш вақти келиб қолди», «сайр қилаётган эдик» деган ва шу каби важлар сабаб қилиб кўрсатилди. Совет муассасаларида ўтказилаётган расмий учрашувлар вақтида Хитой дипломатик ходимлари ҳамманинг ғашини келтирадиган, одобсиз ҳаракатлар қилмоқдалар, Совет давлати шаънига қабиҳ туҳматлар қилишга уринмоқдалар.

Юқорида баён қилинган ҳолларнинг ҳаммаси ҳамма қабул қилган халқаро нормаларни ва Совет Иттифоқидаги мавжуд тартибларни оёқ ости қилишнинг ўзидир. Элчихона Советларга қарши атайин иш олиб бораётганлигини, Совет Иттифоқининг ички ишларига аралашишга уринаётганлигини Ташқи ишлар министрлиги Хитой — Совет муносабатларини тағин ҳам қўпроқ кескинлаштирмоқ учун Хитой томонидан бўлаётган интилишларнинг ифодаси, деб ҳисоблайди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги элчихонани жуда жиддият билан огоҳлантириб шуни маълум қиладики, бундай иғвогарлик фаолиятнинг оқибатлари учун бутун масъулият Хитой томонининг устига тушади.

Элчихона томонидан Советларга қарши қилинаётган фаолиятда элчихонанинг биринчи секретари Мяо Цюнь ва учинчи секретари Сунь Линь алоҳида роль ўйнамоқда. Улар бу фаолиятни бевосита ташкил қилмоқдалар ва қилинаётган иғвогарлик хуружларида, Совет давлатининг қонунларини ва қоидаларини бузишда бевосита қатнашмоқдалар, бу билан улар ўзларининг дипломатик мавқеларини суистеъмол қилмоқдалар.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Хитой Халқ Республикаси элчихонасининг биринчи секретари Мяо Цюнни ва учинчи секретари Сунь Линни номатлуб шахслар деб эълон қилади ва уларнинг Совет Иттифоқидан дарҳол жўнаб кетишини талаб этади.

● Калинин районидаги 4-ўрта мактаб физика кабинети ўқув қуроллари билан мукаммал жиҳозланган. Бу мактаб ўқувчиларнинг физика дарсларини тўлиқ ўзлаштиришларига қулай имконият яратмоқда. Суратда: ўқитувчи В. Сулаймонов 10-синфда машғулот ўтказмоқда.

Н. Аъзамов фотоси.

# ОЛМА ҚУРТИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

Ҳашарот ўсимликнинг ашаддий душмани. Унга қарши ҳамма ерда тўхтовсиз кураш олиб боришимиз керак. Шундай қилинмаса мева ва сабзавотларни кўпайтириш қийин.

Биз ҳар йили кўп боғ-роғлар қиламиз, мева дарахтлари ўтказамиз. Кўпинча уларнинг парваришига яхши қарамаймиз. Кўпинча химиявий моддалар билан дорилаб туришни унутиб қўямиз. Оқибатда дарахтлар, сабзавотларга турли хашаротлар тушиб, кутганимизча ҳосил бермайди. Шунинг учун ҳам ҳамма жойда зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши химиявий йўл билан кураш олиб бориш керак. Агар биз ғалла майдонларига химиявий дорилардан бир сўмлик сарф қилсак, ҳосилни хашаротдан сақлаб қолсак, уч сўм, пахтачиликда 11 сўм, сабзавот-полиз экинларидан 12-13 сўм, мевачиликдан 20—30 сўм, узумчиликдан эса 50 сўм соф фойда қўлга киритамиз.

Қишлоқ хўжалигининг салмоқли тармоқларидан бири бўлган боғдорчиликда учрайдиган зараркунанда ва касалликларга қарши кураш олиб бориш шу кунлардаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Маълумки, олмазорда жуда кўп хилма-хил зараркунандалар учрайди. Айниқса, олма қурти, бинафша ранг қалондор, олма куяси, тўрвали куя, гулхўр, пўстлоқхўр, ҳар хил ширалар, ўргимчаккана, вергулсимон қалқондор, симқуртлар, тенгсиз ипакчи ва ҳоказо зараркунандалар мавжуд. Бу ҳашаротлардан энг ҳавфлиси олма қуртидир. Олма қурти —уруғлик меваларга катта зарар келтирадиган ҳашаротдир.

Олма қуртининг катта ёшдагилари пиллага ўралган ҳолда дарахт танасининг ва илдиз бўғизининг кўчиб турган эски пўстлоқлари остида, ҳўл мева сақланадиган жойларда қишлаб чиқади. Кўклам келиши билан пиллага ўралган қурт ғумбакка айланади. Кейин икки-уч ҳафта ҳаёт кечиради. Олма гуллаши билан ғумбакдан капалак учиб чиқади. Капалак кундузи поя ва шохларга қўниб ўтирганидан кейин унинг борлиги сезилмайди. Кун ботиши билан дарахтнинг юқори шохлари орасида учиб юриб, уларнинг пастки томонида тухум қўяди. Бу давр олтиетти кун давом этади. Тухумдан очиб чиққан қуртлар олма меваси-нинг пўстини чимчилагандай узиб олиб ҳосил бўлган чуқурчага тушади. Кейин мева пўсти билан сўлаклари ёрдамида чуқурчани ёпиб қўяди. Кўпинча қурт меванинг уч томонидан киради. Унинг ичида қурт уруққа томон тез ҳаракат қилади. Айрим ҳолларда уруғни ҳам еб қўяди. Бир дона қурт ўз ҳаётида бемалол 2—3 дона олмани зарарлайди. Қуртдан шикаст кўрган олмалар эса, ерга тўкилиб тушаверади. Тўлиқ етилган қуртлар мевадан чиқиб, пилла ўраб ғумбакка ўтишга ҳаракат қилади. Қуртлар пўстлоғи остида, тирговичларда, яшиклар, ҳатто олма сақлайдиган хонадаги турли асбоб-ускуналарнинг тирқишида, деворларнинг ёриқларида юпқа пилла ўраб ғумбакка айланадилар. Ғумбакдан яна капалак учиб, тухум қўя бошлайди. Шу тариқа олма қуртининг кейинги авлодлари яна пайдо бўла беради.

Шундай экан, олма қуртига қарши қандай кураш олиб боришимиз керак. Бу масала кўп боғбонларни қизиқтиради. Олма қуртига қарши курашдаги энг муҳим омиллардан бири шуки, эрта кўкламдаёқ олма дарахтининг остига тўкилган ҳамма барг шохларни йиғиб сўнгра ёқиб юборилиши керак. Дарахтнинг ён-теваракларини тозалаб чопиб қўймоқ лозим. Дарахт танасидаги ва йўғон шохларида кўчиб турган пўстлоқларни олиб ташлаш зарур. У қириндилар ҳам йиғиб олингач ёқиб юборилади.

Эрта кўкламда дарахт танаси ва йўғон шохлари бир процентли тўтиёйи-мис купороси қўшилган оҳак сўви (юз литр сувга 25—30 килограмм охак ва бир килограмм мис купороси) билан оқланади. Ғумбаклардан капалак учиб чиқмасдан аввал, тўғрироғи апрелнинг биринчи ўн кунлигида дарахтнинг танаси ва йўғон шохлари заҳарли химикатлар билан дориланади. Бунинг учун юз литр сувга 20 процентли метилэтилтиофос химикатидан 2,5 килограмм ва 80 процентли 30-препарат химикатидан уч килограмм солиб сепилади. 100 дарахтга метилэтилиофос химикатидан 5—7,5 килограмм ва 30-препарат химикатидан 6—9 килограмм сарф қилинади. Химикатларни олма қурти капалаги ғумбакдан ёппасига учиб чиққан вақтда пуркаш яхши натижа беради.

Орадан 12—15 куни ўтказилиб, иккинчи марта химикат билан пуркалади. Бунда 100 литр сувга 1,5 килограмм 30 процентли ДДТ порошоги ёки 0,8 килограммли 50 процентли Севин препарати нисбатида солинган суспензияси ва сўрувчи зараркунандаларга қарши 40 процентли рогордан 0,15 килограмм ёки 20 процентли метилэтилиофосдан 0,12 килограмм қўшиб пуркалади. Июнь ойининг ўрталарида учинчи марта юқоридаги белгиланган нормага мувофиқ пуркалади. Худди шу вақтда олма қуртининг иккинчи авлод капалакларини ёппасига учиб чиққан вақти бўлади. Демак, биринчи ва иккинчи марта дорилаганимизда олма қуртининг биринчи авлодига, учинчи мартасида эса, иккинчи авлодига қарши курашган бўламиз. Агар шундай иш ўз вақтида амалга оширилиб турилса у вақтда олма қуртларининг наслини батамом йўқотамиз. Учинчи ва тўртинчи авлоднинг пайдо бўлишига йўл қўймаймиз.

**К. АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**Калинин районидаги «Дамачи» совхозининг агроном-энтомологи.**

# КИБЕРНЕТИКА ОДИМИ

Электрон-ҳисоблаш техникасининг ривожланиши кибернетикага катта йўл очиб беради. Ҳозирги замонда электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) қўлланилмаётган халқ хўжалигининг биронта тармоғини учратиш қийин.

Тўғри, ҳали колхоз-совхоз ишларида ЭҲМ кени кўламда жорий этилганича йўқ. Лекин, назарий ва амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кимчик ҳажмли электрон машиналарни колхоз ва совхоз ҳисоб-китоб ишларида бемалол қўллаш мумкин.

Математик масалаларни ҳал қилиб берадиган қурилма ҳисоблаган ЭҲМ нинг шундай турлари мавжудки, улар секундига 20—30 минг арифметик ва логик (арифметик бўлмаган) амалларни бажариб, ҳар қандай мураккаб масалаларни қисқа вақт ичида аниқ ҳал қилиб беради. Бу машина беморларга диагноз қўяди, об-ҳавони аниқлаб беради, саноатни бошқаради, ўқувчилардан имтиҳон олади, шеър ёзади, ҳатто лойиҳа ҳам тузади.

Айниқса, электрон машиналар ҳозирги кунда геология, астрономия, математика, химия, физика, агрохимия ва бошқа фанларга оид бўлган мураккаб масалаларни ҳал қилиб беришда кенг кўламда ишлатилиб келинмоқда.

Машина киши билан шахмат-шашка, домино каби ўйинларни бемалол ўйнай олади дейилса, бироз эришроқ туюлади. Лекин, ҳақиқатан ҳам шундай. Бизда ҳозир «ўйловчи» машиналар мавжуд.

Хўш, бундай машиналарнинг қандай фойдаси бор? Ҳамма гап шундаки, ҳаётда ҳар бир масала мураккаб ечилмаларга эга. Худди шу мураккаб ечилмалар изланишни талаб этади. Демак, электрон машинанинг шахмат-шашка ўйнаш принципига асосланиб, ҳар қандай масалани ҳал этса бўлар экан-да!..

Қишлоқ хўжалигида ҳам шундай масалалар сонсиз-саноқсиздир. Масалан, боғдорчиликни тўғри ташкил этиш, пахта ва сабзавотдан яна ҳам юқори ҳосил олиш, техникани ва меҳнат кунини нормал тақсимлаш, суғориш ишларидан рационал фойдаланиш ҳамда ҳисоб-китоб ишлари шулар жумласидандир. ЭҲМ бу ишларни тез ва осон ҳал қилиб беради.

Айниқса, махсус электрон машина «экзаменатор»да ўқувчиларнинг билими синаб кўрилса яна ҳам яхшироқ бўлади. Бу афсона эмас, Иттифоқимизнинг ҳамма ерида қўлланилиб келинаётган нарса. Бугун бўлмаса эртага қишлоқларда ҳисоблаш марказлари ташкил этилади ва улар тезкор ҳисоблаш машиналари билан таъминланади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги ишларидаги ақлий меҳнат бир мунча енгиллашади. Иш унумдорлиги яна ҳам ортади.

Айрим шаҳар мактабларида электрон машинага программа тузиш ва уни бошқариш бўйича «Буль алгебраси», «Электрон машинага программа тузиш» каби махсус фанлар қўлланилмоқда. Қишлоқ мактабларида ҳам шу фанларни ўргатиб, ўқувчиларга ЭҲМдан бир мунча тушунчалар бериб борилса, келгусида бу мураккаб, аммо қизиқарли соҳа кенг қулоч ёзади.

**Ш. УМАРОВ,**
инженер.

# МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

## СОВЕТ—АВСТРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

20 мартда Кремлда Совет-Австрия музокаралари давом эттирилди. Шу музокаралар вақтида Совет-Австрия муносабатларига таaллуқли масалалар устида, шунингдек бундан олдинги учрашувлар вақтида муҳокама қилина бошланган бошқа проблемалар устида фикрлашиб олинди.

Дўстона вазиятда ўтган музокараларда совет томонидан — СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа кишилар қатнашди.

Австрия томонидан—Австрия республикасининг Федерал канцлери доктор Иозеф Клаус, Федерал ташқи ишлар министри доктор Л. Тончичзоринь ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар. (ТАСС).

# ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

### ФРАНЦИЯ: СЎЛ КУЧЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Франциядаги парламент сайловининг натижалари якунланди. Франция Коммунистик партияси ва бошқа сўл кучлар катта муваффақият қозонганлиги бу сайловнинг асосий натижаси бўлди. Сайловчилар оммаси ўзларининг берган овозлари билан сўл кучларнинг — коммунистлар, социалистлар, радикалларнинг сайловда тузган иттифоқини таъкидлади ва маъқуллади.

Миллат мажлисига сайлов округларда икки даврада ўтказилди, шу давраларнинг ҳар қайсисида битта депутат сайлаш керак эди. Метрополия территориясида, денгиз нариги ёғидаги департаментларда ва территорияларда ҳаммаси бўлиб 486 депутат сайланиши керак эди. 28 миллиондан ортиқ сайловчи бор эди. Номзод биринчи даврада ғалаба қозонмоғи учун ўз округида берилган жамики овознинг ярмидан кўпроғини олиш зарур эди. Иккинчи даврада номзоднинг овозларнинг нисбатан кўпчилигини олиши кифоя қилар эди.

Бу сайлов системаси иккинчи давра олдидан турли партияларнинг иттифоқлар тузиш учун кенг имконият очиб беради. Буржуа партиялари сайлов олдидан ҳар хил иттифоқлар тузиб, бу имкониятдан кенг фойдаланиб келдилар. Буржуа партиялари тузган бундай иттифоқнинг асосий мазмуни коммунизмга қарши курашдан иборат бўлди ва бундай иттифоқлар тузилишига Франциядаги сўл партияларнинг кейинги ўн йиллар давомида бир-бири билан ноиттифоқ бўлиб келганлиги кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Бу сафарги сайловнинг характерли белгиси француз демократларининг жипслашувидан иборат бўлди. Ҳамма округларда ўз номзодларини қўйган Франция Коммунистик партияси социалистларни, радикалларни ва бошқа сўл гуруҳларнинг аъзоларини бирлаштирган демократик ва социалистик сўл кучлар федерацияси билан иттифоқ бўлиб ҳаракат қилди.

5 мартда ўтказилган биринчи даврадаёқ сўл кучлар катта муваффақият қозонди. Уларнинг ҳаммаси биргаликда овозларнинг 44 процентини олишга, шу жумладан коммунистлар 22, 46 процент овоз олишга муваффақ бўлдилар. Коммунистик партия 1962 йилдаги парламент сайлови вақтидагига қараганда, бир миллиондан зиёдроқ кўп овоз олди.

Кўп йиллардан бери биринчи марта француз сўл партиялари иккинчи даврада ҳам ўзаро иттифоқ тузиб ҳаракат қилишга муваффақ бўлдилар. Сайловнинг иккинчи даврасм 12 мартда ўтказилди. Коммунистик партия билан федерация сўл кучларнинг энг кўп муваффақият қозониши кўриниб турган номзодини ҳамма округларда қувватлаш тўғрисида битим тузди. Шу туфайли улар ҳукмрон партиянинг ва шу партия иттифоқчиларининг ҳамма найрангларига қарамай, янги парламентда сўл партияларнинг вакилларини анча кўпайтиришга эришдилар.

3 апрелда Бурбон саройининг эшиклари янги сайланган депутатлар учун очилади. Бу депутатлар орасида коммунистлар 75 киши (ўтган чақириқ Миллат мажлисида коммунист депутатлар 41 киши эди), демократик ва социалистик сўл кучлар федерациясига мансуб социалистлар, радикаллар ва бошқа арбоблар 116 киши (илгариги Миллат мажлисида улар 91 киши эди) бўлади. Бундан ташқари Бирлашган социалистик партиянинг ва баъзи майда сўл группаларнинг аъзолари бўлган депутатлар ҳам сўл қанотдан жой оладилар.

Сайловнинг иккинчи муҳим якуни шу бўлдики бу сайловда Атлантика иттифоқи ва АҚШнинг бошчилик ролига бўйсуниш тарафдорлари мағлубиятга учради. Булар «Демократик марказ» деб аталган гуруҳда тўпландилар. Кавринал МРП партияси мана шу ўнг гуруҳнинг ядросидир. Миллат мажлисида «Демократик марказ» депутатлари камайиб 54 кишидан 27 кишига тушиб қолди.

Ҳукмрон ЮНР—ЮДТ партиясининг («Янги республикани ҳимоя қилиш иттифоқи» — «Демократик меҳнат иттифоқи») позицияси ҳам заифлашиб қолди. Энди бу партиянинг «мустақил республикачилар» партиясидан бўлган ўз иттифоқчилари билан бирга Миллат мажлисида 244 депутат бор. Миллат мажлисининг ўтган составида ҳукумат 284 мандатдан иборат кўпчиликка эга эди. Шундай қилиб, сайловчилар ҳукуматнинг социал ва иқтисодий сиёсатидан, саноатнинг бир қанча тармоқларида ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилаётганлигидан ҳамда ишсизлик кўпайиб бораётганлиги, нарх-наво ва солиқлар ошиб бораётганлигидан ўзларининг норози эканликларини изҳор қилдилар. Улар сўл кучларнинг номзодларини қувватлаш билан мана шу сўл кучларнинг мамлакатда демократик ислоҳотлар қилиш тўғрисидаги таклифларини маъқулладилар.

Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий Бюроси сайловнинг иккинчи даврасидан кейин эълон қилган баёнотида, халқ оммаси коммунистларнинг демократик кучлар билан иттифоқ бўлиш сиёсатини маъқуллаганлигидан ҳамма коммунистлар мамнун бўлганлигини изҳор қилди. Франция Коммунистик партияси, дейиладн баёнотда, республикачилар ҳаракатини янада жипслаштирмоқ учун бундан буён ҳам ўз кучларини аямай, меҳнат қилаберади ва ҳукуматнинг умумий программаси тўғрисида сўл партиялар билан битимга келишга интилаберади.

### АҚШ: НОРОЗИЛИКЛАР КЎПАЙМОҚДА

АҚШнинг ҳукмрон доиралари Шарқи-Жанубий Осиёда авантюризм ва агрессия йўлидан қайтишни истамаётганлигини кўрсатувчи янгидан-янги далиллар кун сайин пайдо бўлмоқда. Фактлар Вашингтоннинг мумкин бўлмайдиган нарсага эришишга ўйламай интилаётганлигини, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонларча курашаётган Вьетнам халқини тиз чўктиришга беҳуда уринаётганлигини кўрсатиб турибди. Шу мақсадда АҚШ Вьетнам Демократик Республикасини осмондан бомбардимон қилиш ва ўққа тутишни кучайтирмоқда, Жанубий Вьетнамда «куйдирилган» ер тактикасини амалга оширмоқда. Минг-минглаб тинч аҳолини қириб ташламоқда. Тинч океандаги Гуам оролида яқин кунларда ўтказилмоқчи бўлган ҳарбий кенгашда ҳам Вьетнамдаги урушни янада кенгайтириш планлари муҳокама қилинса керак. Бу кенгашда АҚШ президенти ҳам қатнашади. Шундай қилиб, Вашингтон жаҳон афкор оммасига яна дағдаға қилмоқда, АҚШ жамоатчилигининг фикрини назар-эътиборга олмаётир. Маълумки Америка ҳукуматининг Вьетнамдаги хатарли ва натижасиз сиёсати АҚШ жамоатчилигини ҳаяжонга солмоқда.

Вьетнамдаги агрессия ҳеч бир ўйламай-нетмай кенгайтирилаётганлигига ва Америка солдатлари уруш гирдобига тобора кўпроқ ташланаётганлигига қарши норозилик билдираётган кишилар АҚШ аҳолисининг энг хилма-хил табақалари орасида тобора кўпаймоқда. Кейинги кунларда коллежларнинг ўқитувчилари, профессорлар, рассомлар, ҳайкалтарошлардан иборат минглаб кишилар, жуда кўп студентлар мана шундай норозилик билдирдилар. Америкадаги баъзи газеталар Вашингтоннинг ҳозирги ўтказаётган йўлидан ҳаяжонга тушаётган газетхонлар газета редакцияларига кўплаб хат юбораётганлигини эътироф қилмоқда. Газетхонлар мамлакат сиёсатини белгиловчи кишилардан, эсингизни йиғиб олинг, ақл-идрок овозига қулоқ солинг, деб талаб қилмоқдалар.

«Ньюс энд уорлд рипорт» журнали бундай деб ёзади: «Вьетнамдаги уруш тобора шиддатли тус олаётган сари ва Америка бераётган талафотлар рекорд даражага кўтарилаётгани сари американликлар: узоқ «Вьетнамдаги бу қонли, ҳалокатли урушдан кузатилган мақсад нима, деган саволни ўзларига тобора кўпроқ бермоқдалар». Ҳукумат раҳбарлари, Пентагон ва давлат департаменти вакилларининг бу саволга бераётган жавоблари американликларни тобора камроқ қаноатлантирмоқда».

Гэллап институти кейинги кунларда АҚШдаги жамоатчилик фикрини билиш учун тарқатган анкетага келган жавоблар ҳукуматнинг Вьетнамдаги ҳозирги йўлини қувватлаётган американликлар сони жуда камайиб кетганлигини кўрсатди. «Тайм» журнали ўзининг 17 мартдаги сонида босилган мақолада «Жонсон учун Вьетнам икки фронтда олиб борилаётган урушдир. Бу уруш Тинч Океан районидаги ҳарбий можародан ва унинг ўз ватани АҚШдаги сиёсий жангдан иборат бўлмоқда», деб ёзади.

«Нью-Йорк таймс» газетаси, ҳукуматнинг сиёсати «узоқ давом қиладиган, тинкани қуритадиган ва қимматга тушадиган урушга олиб келмоқда. Бу урушда ғалаба бўлиши мумкин эмас», деган хулосага келди. Америка матбуотининг ёзишига қараганда, эндиги сайловларда қайта сайланмоқчи бўлган демократ сенаторларнинг кўплари шамол қаёқдан эсишини кутиб турибдилар ва президентнинг ҳозирги йўли билан ўзларини очиқдан-очиқ боғлаб қўймасликни афзал кўрмоқдалар.

Президент Жонсон билан сенатор Роберт Кеннеди ўртасида чиққан жанжал ҳам жуда диққатга сазовардир. Маълумки, Роберт Кеннеди Вьетнам устида сулҳ музокаралари бошланишига йўл очиб бермоқ учун Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатиш керак, деб ҳукуматга мурожаат қилди. Президент билан алоқани очиқдан-очиқ узишга кўп вақтгача ботинолмаган Р. Кеннеди ҳозир мана шундай йўлга тушиб олганлигининг ўзи Америка матбуотининг ёзишига қараганда демократик партия ичидаги кайфиятлар қай аҳволда эканлигини кўрсатувчи фактдир. Шу муносабат билан таниқли обзорчи У. Липпман бундай деб ёзади: «Президентнинг Вьетнамдаги сиёсатига демократлар кўрсатаётган қаршилик шундай даражага етдики, бундай шароитда миллий раҳбарлик чўққисига кўтарилиш умидида бўлган сиёсатчи мана шу қаршилик кўрсатаётган оппозиция томонига ўтиши лозим бўлиб қолди».

### ГФР: ЯНГИ НАЦИСТЛАР ТАЛАШМОҚДА

Янги нацистлардан иборат национал демократик партия ичидаги воқеалар бачкана водевиль тусини олмоқда.

Аввал шу партия раиси Фриц Тилен раҳбарлардан бир группасини, шу қаторда ўзининг ўринбосари Адольф Фон Тадденни ва партиянинг «идеологи» Гэссни партиядан чиқариб юборганлигини эълон қилди. Сўнгра национал демократик партия правлениеси бу фармойишни бекор қилди, Тиленнинг ўзини раислик лавозимидан олиб ташлади ва уни партия сафларидан чиқариб юбориш масаласини қўйди. Тилен ҳафа бўлиб бу ишни судга берди.

Янги нацистлар орасида ўйналаётган бу майнавозчиликни кўриб кулиб қўя қолинса ҳам бўлар эди, лекин Ғарбий Германия янги нацистларининг асосий партияси раҳбарлигида бўлаётган бу ур-йиқитнинг замирида гап кўп.

Чет эл газеталарининг ёзишига қараганда, национал демократик партия раҳбарлигидаги нифоқ «ҳокимият учун олиб борилаётган шафқатсиз курашга айланиб кетди, бу курашда аввалги ўжарлар» устунлик қилмоқда. Лондондаги «Дейли телеграф» газетасининг ёзишича, Тилен «эҳтиёткорлик сиёсатини юритиш керак» деб талаб қилаётган бўлса, Тадден «эҳтиёткорликка зарурият йўқ», деб ҳисобламоқда. Дарҳақиқат Тадден группаси «немис империя партияси» деб аталган собиқ партиянинг раҳбарларидан иборат бўлган кишилардир. Бу партия гитлеризмга мухлис эканлигини ҳаддан ташқари ошкор қилиб қўйганидан кейин, уни Бонн ҳукумати ўз вақтида тақиқлаб қўйишга мажбур бўлган эди. Бироқ, кейин бу партиянинг ядроси 1964 йилда янгидан тузилган национал демократик партияга деярлик тўла равишда қўшилди ва шу партиянинг асосий қисмини ташкил қилди. Тадденнинг ўзи илгари гитлерчи ёшларнинг Группен Лейтери бўлиб келган киши, унинг шериги Гэсс эса нацист штурмчи қўшинларининг полковниги эди.

Янги нацистларнинг қайсиниси фашизмга кўпроқ ихлосманд эканлигини жиддий текшириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Баъзи газеталар «улар ўртасида катта фарқ йўқ» деб ҳаққоний фикр айтмоқдалар. Улар ўз мақсадларига эришиш методлари тўғрисидагина бирбирлари билан олишмоқдалар. Лекин бунда диққатга сазовар бўлган бошқа бир нарса бор: янги нацистларнинг раҳбарлари орасида ҳокимият учун кураш ҳозирги пайтда авж олиб кетганлигининг сабаби нима ва янги нацистларнинг ўз сўзи билан айтганда «эҳтиёткорликка ҳозирги пайтда зарурият қолмаган»лигининг сабаби нима?

Иккинчи жаҳон урушининг якунларини тан олмаслик учун расмий пропаганда олиб борилаётган ва Европадаги бошқа давлатларнинг территориясига бўлган даъволар ошкора айтилаётган Ғарбий Германиядаги ҳозирги мавжуд шароитда янги нацистлар сайловчиларнинг анчагина қисмини ўз томонларига тортишга муваффақ бўлдилар. Ўтган йил Германия Федератив Республикасининг бир қанча ўлкалардаги ландтагларга (парламентларга) янги нацистларнинг вакилларидан бир неча ўн киши депутат бўлиб сайланди. Шлезвиг-Гольштейнда Рейнланд-Пфальцда апрель ойида ўтказиладиган сайловларда янги нацистлар янги муваффақиятлар қозонади ва ҳатто яқин келгусида янги нацистлар бундестагга ҳам ўтиб олиши мумкин, деган гаплар айтилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси жаҳон жамоатчилигини ҳаяжонга солмаслиги мумкин эмас эди. Лекин Бонн маъмурлари бу тўғрида заррача безовта бўлаётганлари йўқ. Бонндаги юқори мансабдор шахслар, ҳукумат национал демократик партияни тақиқлаш ниятида эмас, деган гапларни бир неча марта айтишди. Янги нацистларни, ҳатто «ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга» даъват этишди. Шу муносабат билан ҳозир Германия Федератив Республикасида гитлерчилар режимини оқлашга қаратилган кампания ўтказилаётганлигини ҳам эслатиб ўтиш керак. Чунончи, Рейхстагга ўт қўйилганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжатлардан иборат телевизион фильм ва шунга ўхшаш «илмий» мунозаралар ёрдамида гитлерчиларнинг ўз сиёсий мухолифларидан ўч олиш мақсадида жуда катта игвогарликлар қилганликлари учун айбни улар зиммасидан соқит қилишга уринмоқдалар.

Мана шундай вазиятда янги нацистлар руҳлари кўтарилиб ўзларини ниқоблашни ортиқча бир иш деб ҳисоблайдиган бўлиб қолдилар ва ўз партиясининг раҳбарлигини «мустаҳкамлашга» қарор қилдилар. Бонн маъмурларининг сиёсати мана шундай қилиб, амалда уларни Гитлернинг бевосита издошлари лагери билан апоқ-чапоқ бўлишга олиб келмоқда.

В. СИСОЕВА,
И. ЛАПИЦКИЙ,
А. РАЧКОВ,
(ТАСС).

## ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

БЕРЛИН. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессия ҳаракатлари кучайиб бораётганлиги Германия Демократик Республикаси аҳолисини қаттиқ ғазаблантирмоқда, дейилади Германия Демократик Республикаси Миллий фронти Миллий Кенгаши президиумининг Вьетнам Демократик Республикаси Ватан фронти Марказий Комитетига йўллаган мактубида.

Бизлар Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг урушни янада кучайтирилишига қарши 1967 йил 11 мартдаги норозилигини қўллаб-қувватлаймиз ва бу билан Американинг одамхўрлик сиёсатини кескин қоралаймиз. Миллий Кенгаш президиуми шуни таъкидлайдики, Германия Демократик Республикаси Вьетнам халқига бундан кейин ҳам тобора кўпроқ ёрдам беради.

ПХЕНЬЯН. Хамхин шаҳрининг меҳнаткашлари Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишга, шунингдек АҚШнинг Вьетнамдаги барча агрессив ҳаракатларига дарҳол ва сўзсиз чек қўйилишини талаб қилдилар.

Вьетнам халқи билан бирдамлик юзасидан шаҳарда ўтказилган оммавий митингда сўзга чиққан, Жанубий Хамген вилояти халқ комитетининг раиси Чан Чжон Сон айтдики, Вьетнам халқининг Ватанини қутқазиб қолиш йўлида Америка агрессорларига қарши олиб бораётган курашида унга актив ёрдам кўрсатиш барча социалистик мамлакатлар ва революцион халқларнинг бурчидир.

ДАМАШҚ. Америка империализми Вьетнамдаги разил урушни тобора кучайтириб, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган бошқа халқларни қўрқитишга уринмоқда, дейилади Сурия деҳқонлар уюшмаси умумий федерациясининг курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик халқаро ҳафталиги муносабати билан эълон қилган баёнотида.

Вьетнам халқи эришаётган ғалабалар — жаҳондаги барча халқлар империализм ва реакция кучларига қарши олиб бораётган умумий курашига қўшилган ҳиссадир. Сурия деҳқонлар уюшмаси умумий федерацияси, дейилади баёнотда, қаҳрамон Вьетнам халқи олиб бораётган адолатли курашни тўла қўллаб-қувватлайди ва Америка империализмининг жиноятқорона ҳаракатларига дарҳол чек қўйилишини талаб қилади.

ТОКИО. Японияниннг будда динига мансуб бўлган таниқли руҳонийлари АҚШ ҳукуматини Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатишга чақирдилар.

Япония буддачилари Вьетнам Демократик Республикасининг суверен территорияси бомбардимон қилинишига дарҳол, ҳеч қандай шарт қўймай ва абадий чек қўйиш ва бу билан Вьетнам проблемасини тинч бартараф этиш учун йўл очиш мақсадида жаҳон жамоатчилигини АҚШ ҳукуматига таъсир кўрсатишга чақирди. (ТАСС).

### ЮГОСЛАВИЯНИНГ СКОПЛЕ ШАҲРИДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

БЕЛГРАД, 18 март. (ТАСС). Кеча Югославиянинг Скопле шаҳрида 5—6 балл куч билан Ер қимирлаганлиги қайд қилинди. Зилзиладан моддий зарар кўрилгани йўқ. Шу билан 1963 йил июлда бўлиб ўтган ва шаҳарни вайрон қилган ҳалокатли зилзиладан кейин 632 марта ер қимирлади.

## ВАТАНПАРВАРЛАР ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

**ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг жангчилари иккинчи мартдан бешинчи мартгача бўлган вақт ичида Куангнгай вилоятида бўлиб ўтган жангларда душманнинг 500 га яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги Озодлик агентлиги берган маълумотга асосланиб.**

**8 мартда Тхиатхиен вилоятида жанг қилаётган Жанубий Вьетнам ватанпарварлари душманнинг 230 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, 5 та бронетранспортерни мажақлаб ташладилар ва шикастладилар.**

● ЧССР. Острав-Карвин кўмир ҳавзасида янги «Пасков» кўмир шахтаси ишга туширилди. Суратда: янги шахтанинг кўриниши. ЧТК-ТАСС телефотоси.

## ИНДОНЕЗИЯДА СОВЕТ АДАБИЁТИ ТАҚИҚЛАНДИ

ЖАКАРТА, (ТАСС). Индонезия маъмурлари 30 кун ичида йиғиб олиниши ва ёндириб ташланиши лозим бўлган адабиётнинг катта рўйхатини эълон қилди. Бу рўйхатга В. И. Ленин асарлари билан бир қаторда Совет Иттифоқи тўғрисидаги китоблар ва брошюралар ҳам киради. А. П. Чеховнинг танланган ҳикоялари ҳам «тақиқланган» адабиёт рўйхатига киритилган. Мамлакатда «Советская женщина», «Культура и жизнь», «Советский Союз» ва бошқа шу каби совет журналлари ҳам тақиқланган.

Айни вақтда Жакарта газеталари шу кунларда АҚШда нашр этилган ва ҳозир Индонезиянинг китоб магазинларида пайдо бўлган баъзи бир антикоммунистик ва Советларга қарши китобларни зўр бериб мақтамоқда.

### АМЕРИКА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ВАҲШИЁНА ҲАРАКАТЛАРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Пентагон маълумотларига кўра, Американинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги ҳарбий қўмондонлиги ўз аслаҳа омборларида 209 минг тонна авиация бомбаларини тўплаган. Бугун, «Вашингтон Пост» газетасининг расмий манбаларга асосланиб хабар беришига кўра, АҚШнинг ана шу районадаги ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий денгиз флотига кейинги вақтларда ҳар ойда қарийб 98 минг тоннадан бомба етказиб берилган. Ана шу жуда катта бомба омборларидан Шимолий Вьетнамнинг тинч шаҳар ва қишлоқларига Америка самолётлари ҳар ойда 68 минг тонна ажал уруғи ёғдирганлар. Америка ҳарбийлари Вьетнамда ваҳшийларча ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Бундан аввало Шимолий Вьетнамнинг ҳам Жанубий Вьетнамнинг ҳам аҳолиси жафо чекмоқда.

## ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

«Пахтакор» ўтган куни мавсумда биринчи халқаро учрашувни Румыния олимпиада командаси билан ўтказди. Маълумки ўтган йили Тошкентда ўтказилган мавсумолди контроль учрашувларида Румыниянинг «Петролул» команда си ҳам қатнашган эди. Ана шу команданинг икки ўйинчиси олимпиада сафида пахтакорчиларга қарши ўйнадилар.

Кескин ва шиддатли ўтган матч натижасиз тугади. Румыния олимпиадачилари бугун «Политотдел» колхози командаси билан учрашадилар.

Суратда: ўйин пайти. Б. Мазур фотоси.

### ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИДАГИ ЯНГИ ТАЙИНЛАШЛАР

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Бу ерда давлат министрларининг яна учта лавозимини тақсимлаш расмий равишда эълон қилинди. М. Гурупадасвами атом энергияси департаменти давлат министри лавозимига, Бхагат Жха Озод — маориф министри, И. Гужрал—парламент ишлари департаменти министри лавозимига тайинланган. Марказий ҳукумат министрлари 16 ўринбосарининг номлари ҳам эълон қилинди.

Бу тайинлашлардан сўнг, Ҳиндистон марказий ҳукумати аъзоларининг сони 52 кишига етди. Шулардан 19 киши кабинет министрлари, 17 киши давлат министрлари ва 16 киши министрларнинг ўринбосарларидир. 9 министр ўринбосари шу лавозимга биринчи марта тайинланган.


## Реклама ва эълонлар

### ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55—Эшиттиришлар программмаси, 18.00—**Футбол** (халқаро ўртоқлик учрашуви), танаффус вақтида **теленгиликлар**, 19.45—**Чўлдаги чироқлар** (телеочерк).

20.00—**Эртаги кун программаси.** Ўзбек тилида: 20.05—**Телевизион янгиликлар**, 20.20—**Фольклорчи олим** (Х. Зарипов туғилган куннинг 60 йиллигига бағишланган эшиттириш), 20.50—**Иккинчи истеъдод** (Наманган шаҳар шойи тўқиш фабрикаси бадиий ҳаваскорларининг концерти), 21.40—**26 Боку комиссари** (бадиий фильм).

23.30 дан—**Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси**, 18.00—**Бир бор экан-у, йўқ экан** (болалар учун), 18.20—**Олий математика** (сиртдан таълим олаётган студентлар учун ўқув программаси), 19.35—**Телевизион янгиликлар.**

19.45 дан—**Москва кўрсатади.**

### ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—21/III да **Парвона**, 22/III да **Оқ кабутар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—22/III да **Ўғил уйлантириш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—Катта цирк томошалари. **Ҳиндистон филлари аттракциони.**

### КИНО

**Амакимнинг туши**—«ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда).

**Тепамиздаги осмон**—СОБИР РАҲИМОВ номли, «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Судхўрнинг ўлими** — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда).

**Ночорлик** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (жуфт соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

**Севиш тақиқланади** —«ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун).

**Уч бақалоқ**—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

**24 дан 31 мартгача**

Мактаб ўқувчиларининг баҳорги дам олиш кунларида **икки бўлимдан иборат**

**КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ,**

РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Александр Корнилов** раҳбарлигида ва **Анатолий Корнилов** иштирокида

**Ҳиндистон филлари АТТРАКЦИОНИ.**

Масхарабозлар группаси — **Аврамов, Наровский ва Боровой** қатнашадилар.

Томоша кундуз соат 12. 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22—23 мартда

Ўзбекистон ва Туркманистон ССР халқ артисти

**КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ**

раҳбарлиги ва иштирокида

**ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ**

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРГА

**саҳна ишчилари, шогирдлар, хўжалик мудирлари,** районларда билет ва абонемент тарқатиш бўйича **ваниллар**

**КЕРАК**

Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.


Тошкент Политехника институтининг геология-разведка факультети коллективи старший ўқитувчи А. Н. Набиевга отаси

**Наби УСМОНОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбек Давлат филармонияси ва эстрадаси коллективи Тўхтасин Жалилов номли ўзбек халқ чолғу оркестри солисти Н. Неъматовга отаси

**Неъматулла ОХУНТИЛЛАЕВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212, Редактор ўринбосарлари—В35885, В36232, Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050, Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—В38761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048, Эълонлар бўлими—В38142, Коммутатор—В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р.00754. ИНДЕКС 64970. А. — 1324.